Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 203 (3401)
ПАЙШАНБА
1 СЕНТЯБРЬ 1977 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТДА ЯНГИ СПОРТ САРОЙИ

Ўзбекистон физкультурачилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида яхши совға олдилар: Тошкентда янги спорт саройи ишга тушди. У Чилонзорнинг янги парк зонасида қад кўтарди. «СССРнинг 50 йиллиги» номли метрополитен станцияси ёнида қурилган бу ажойиб сиҳат-саломатлик ўчоғини катта бир панно безаб турибди.

Сарой — партия ва ҳукуматимизнинг халқимиз сиҳат-саломатлиги тўғрисида, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий уйғун камолоти ҳақида оталарча ғамхўрлигининг яна бир ифодасидир.

Спорт саройи 31 август куни тантанали равишда очилди.

Бу воқеага бағишланган митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети раиси П. Қ. Қаюмов, СССР спорт мастери полвон С. Насимов, камондан ўқ узиш бўйича Европанинг мутлақ чемпиони, халқаро классдаги спорт мастери О. Руленко, 153-қурилиш тресги безакчиларининг бригадири Д. Юнусов, Софияда ўтказилган универсиаданинг икки марта чемпиони халқаро классдаги спорт мастери С. Рўзиев нутқ сўзладилар.

Узоқ давом этган қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қизил лентани кесди. Спорт саройи очиқ!

Тантаналарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Махмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Бутуниттифоқ «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгашининг раиси К. Д. Варавко иштирок этдилар.

Тантана катнашчилари янги спорт комплекси билан қизиқиб танишдилар. Комплекс иншоотлари кишида чуқур таассурот қолдиради. Бу ерда иккита корпус бор. Бош корпуснинг намойишлар залида турли мусобақалар, спорт байрамлари, спорт ўйинлари кўрсатилади. Иккинчи ўқув-машқ корпусида гимнастикачилар, боксчилар, курашчилар, штангачилар учун алоҳида-алоҳида заллар бор.

Буларнинг ҳаммаси спорт саройининг биринчи навбатидир, холос. Кейинчалик ўн минг ўринли стадион, кишки ва ёзги сузиш ховузлари қуриш мўлжалланади, бу ерда медицина-биологик ва саломатликни тиклаш марказлари, меҳмонхона пайдо бўлади. 1980 йилда ўтадиган олимпиада олдидан учинчи навбатнинг сўнгги объекти — усти ёпиқ хоккей яхмалаги ишга туширилади. Ўшанда бу ерда бир йўла минг киши спорт билан шуғуллана оладиган бўлади.

(ЎзТАГ).

ИЛМ-ФАН ЧЎҚҚИЛАРИ СИЗГА МУНТАЗИР!

☆ ЭНГ ЯХШИЛАР СТУДЕНТЛИК БИЛЕТИНИ ОЛИШГА МУЯССАР БЎЛИШДИ
☆ ОЛТИ ЯНГИ МАКТАБ, БИР ТЕХНИКУМДА БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНДИ
☆ САККИЗ ҲУНАР МАРКАЗИДА 40 МИНГГА ЯҚИН БОЛА ТАЪЛИМ ОЛАДИ.

ЮКСАК МАҚСАД САРИ

Э. УМАРОВ,

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

— Тошкент — олий ўқув юртлари шаҳридир. Бу ерда республикамизда мавжуд бўлган 41 та олий ўқув юртидан 19 таси жойлашган. Шу билим масканларининг ҳар бири янги ўқув йилидаги — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган, СССР янги Конституцияси қабул қилинадиган йилдаги эстафетани қабул қилиб олар экан, ўз олдига қўйилган ягона мақсад сари — юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, ғоявий чиниққан, ташкилотчилик қобилиятларини ўзида мужассамлантирган кишиларни тайёрлаш сари интилмоқда.

Бугун 240 мингдан зиёд студент билим чўққиларини эгаллашга киришмоқда. Шулардан 21275 студент биринчи курс студентларидир. Улар кўп минг кишилик студентлар оиласига кириш ҳуқуқини берадиган жиддий имтиҳонлардан муваффақият билан ўтдилар.

Янги ўқув йилида республикамизда яна бир янги олий ўқув юрти очилди. Бу Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидир. Тошкент политехника институтининг Жиззахдаги умумий техника факультети ҳам дастлабки студентларни қабул қилди. Тошкент политехника институтининг филиалларида учта янги ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланди. Хуллас, бугун олий ўқув юртларининг аудиторияларига кирган ёшларни янги ихтиролар, изланишлар кутмоқда.

ДАСТЛАБКИ ҚЎНҒИРОҚ ҚУВОНЧИ

А. ЙЎЛЧИЕВ,

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.

— Мана, биринчи сентябрь ҳам етиб келди. Биз уни ҳақли равишда билимлар байрами деб атаймиз. Ёз бўйи пионер лагерларида мириқиб ҳордиқ чиқарган, қуёш нурида тобланган ўғил-қизларимиз бугун яна ўзларининг қадрдон мактабларини тўлдирдилар.

Янги ўқув йилига шаҳримиз мактабларида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилди. Мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда 296 та ўқувчилар бригадаси иштирок этди. Улар 40 мингта парта, 3 мингта стол, 3 мингта синф доскаларини ремонтдан чиқардилар.

Шаҳримизнинг 242 мингдан зиёд ўқувчиси билим чўққиларини эгаллашга киришди. 28 минг кичкинтой эса биринчи синфларга илк қадамини қўйди.

Шаҳримиздаги 243 та мактабдан 200 таси яхши жиҳозланган спорт комплексларига, 217 таси ёзги спорт майдончаларига эга. Уларнинг ҳар бирида ўқув кабинет системаси асосида йўлга қўйилган.

Ўқувчиларнинг меҳрибон мураббийлари бўлган 14 минг 700 педагог уларга билим сирларини ўргатишга киришишди.

Янги ўқув йили қўнғироғи жаранглади. Унинг биринчи дарси СССР янги Конституциясига — ёшларимизга илм олиш ҳуқуқини берадиган Бахт Қомусига бағишланди.

ИШЧИ СИНФИНИНГ ВОРИСЛАРИ

Т. АҲМЕДОВА,

Тошкент шаҳар ҳунар-техника билим юртлари бошқармасининг бошлиғи.

25 мингга яқин ўқувчи шаҳарнинг 43 та ҳунар-техника билим юртида ўқишни бошлади. Улар бу билим масканларида тўқимачилик, машинасозлик, маиший хизмат, алоқа, қурувчи ва монтажчи касбларини эгаллайдилар. Бу ёшлар ана шу касблар бўйича келгусида ноқоратупроқ зонасида, Байкал-Амур магистрали қурилишида, Тошкент метросида меҳнат қиладилар, пахта етиштирадилар, мамлакатимиз индустрия қудратини мустаҳкамлайдилар. Шу йилнинг ўзида болалар учун тўртта билим юрти — 166, 176, 178, 140-билим юртларининг эшиклари очилди. Бу ерда уларга самолётсозлик, машинасозлик, метрочилик, мебелчилик касбларини ўргатилади.

Кейинги йилларда ҳунар-техника билим юртлари тармоғи касб ўргатиш ва ўрта маълумот бериш билан тараққий этди. Бундай билим юртларининг сони ўтган йили ўнта бўлган бўлса, янги ўқув йилининг бошланишига келиб улар 17 та бўлди.

Билим юртларда ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини мустаҳкамлаш, таълимнинг форма ва методларини такомиллаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди.

Янги ўқув йилининг бошланишида 426 та ўқув кабинети, 12 та лаборатория, 162 та ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси очилди. Буларнинг ҳаммаси таълимнинг техника воситалари билан жиҳозланган, кўпчилигида эса янги замонавий дастгоҳлар ва ускуналар ўрнатилган.

Республикада биринчи марта

Бугун **биринчи марта республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг Тошкент юридик техникуми эшиклари очилди.**

Бу ўқув маскани суд йиғилишлари секретарлари, суд ижрочилари, нотариуслар, юстиция муассасасининг маслаҳатчиси бўлиб ишлаш учун ўрта малакали юристлар тайёрлайди. Унинг битирувчилари маҳаллий советларнинг идораларида, халқ хўжалигининг юридик хизматларида ишлашлари мумкин.

— Ишлаб чиқаришдан келган, конкурс шартларидан муваффақиятли ўтган 150 ёш бизнинг ўқувчиларимиз бўлишди, — деб ҳикоя қилади техникум директори Н. Х. Абдусаматова, — улар орасида етти медалчи, мактабларни фахрий ёрлиқ билан битирган 20 ўқувчи, камида икки йил иш тажрибаси бўлган ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитлардан 55 киши бор.

Улар лекциялар ва семинар машғулотларида давлат ва ҳуқуқ назарияси асослари, совет давлати тузилиши, граждан айблови, меҳнат ҳуқуқи, иш юритиш, суд статистикаси, судлар, прокуратуралар ва юстиция органлари ишини ташкил этиш билан танишадилар.

БАХТ ҚОМУСИ ДАРСИ

Бугун **шаҳримизнинг ҳамма мактабларида биринчи дарс СССР Конституцияси янги лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланди. Бунинг учун мактаб педагогик коллективлари олдиндан пухта ҳозирлик кўришди. Жумладан, шаҳримиздаги 12-ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам бу сиёсий, ғоявий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган дарсга пухта ҳозирлик билан ёндошишди.**

«Бахт қомусимиз — миллионлар бахти учун қаратилган бахтнома», «Билим олишнинг барча турлари бепул», «Дам олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи», «СССР сайлов системаси дунёда энг демократик сайлов системаси», «Совет ёшларининг шарафли бурч ва ҳуқуқлари» каби мавзуларда дарс ўтказилди.

ЯНА БИР ИХТИСОСЛИК

Бугун **Тошкент электромеханика техникуми кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 1005 ўқувчига ўз эшикларини очди.** Улар кундузги, кечки, сиртқи бўлимларда таълим оладилар. Техникумга кирувчиларнинг кўпчилиги янги ихтисослик — техникани ташкил этиш воситаларини танлашди. Олти йиллик иш тажрибаси бўлган Холиджон Султонов саноат корхоналарининг электр ускуналари билан шуғулланишга аҳд қилган, Валерий Самсонов электрон ҳисоблаш машинаси мутахассиси, Альмира Нигматуллина ҳисоблаш машиналарини ишлатиш ва ремонт ихтисосликларини эгаллаш ниятида.

Биринчи курс студентлари машғулотларга киришдилар, битирувчилар эса республиканинг саноат корхоналарида иш бошлайдилар. Раҳимжон Исмоилов, Юсуф Абдужабборов «Узбексельмаш» заводида, Ўктам Раҳмонқулов агрегат заводида, Александр Карасёв кибернетика институти қошидаги конструкторлик бюросида, Риф Аминов кабель заводида ишлашади.

ШОДИЁНА

Бугун ўқувчилар учун ҳам, мактабимизнинг педагогик коллективи учун ҳам катта шодиёна кундир. Биз меҳнаткашларнинг фарзандларини қучоқ очиб кутиб олдик.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилей йилида мактабимизда 1100 дан ортиқ ўқувчи таълим олади. Педагогика коллективи янги ўқув йилини муносиб кутиб олиш учун жиддий тайёргарлик кўрди. Мактабимизда 27 фан кабинети шай бўлиб турибди. Янги лингофон кабинети ҳам ўқувчиларга мунтазир. Бизда таълим-тарбия ишлари билан бирга, ёшлернинг меҳнат кўникмалари учун ҳам барча шароитлар муҳайё. Мактабимизда 3-класс профессионал ҳайдовчилар тайёрлаш учун учта автомашина, тренаж мавжуд. Ўқув устахоналари намунали ремонтдан чиққан.

Ўтган ўқув йилида мактабимизни битирган йигит-қизлар шаҳримизнинг турли корхоналарида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги бугундан бошлаб олий ўқув юртларида таълим олишяпти. Бу ҳам педагогик коллективимизнинг ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлишини билдиради. СССР халқ маорифи аълочиси Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон халқ маорифи аълочилари Қобул Қосимов, В. К. Иванова, Д. Қосимова сингари педагоглар меҳнатда ҳамкасбларига намуна бўлиш билан бирга, ўқувчилар ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эгадирлар. Бир қанча педагогларимиз Ватанимизнинг олий нишонлари — орден ва медаллар билан тақдирланишган. Улар бутун билим ва тажрибаларини фарзандларимизга бағишлашга аҳд қилишган.

Р. НЕЪМАТУЛЛАЕВ,

Чилонзор районидаги 179-ўрта мактаб директорининг таълим-тарбия бўйича ўринбосари.

● Маданият хроникаси

Ансамбль парвози

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида ансамбль ташкил этилганига эндигина саккиз йил бўлди, холос. Тошкент театр ва рассомлик санъати институти студенти Ўткир Юсупов раҳбарлигида ансамбль юксак парвозларга эришди. Ансамбль коллективи 1972 йилда Республика ёш санъат коллективларининг кўригида 1-ўринни эгаллаб, 1-даражали диплом билан мукофотланди. 1976 йилда эса ана шу кўрикда иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Ҳаваскор санъаткорлар тез-тез босмахона цехларида бўлиб, концертлар қўйиб беришади. Улар ижро этадиган миллий ҳамда уйғурча, тожикча қўшиқлар тингловчиларни сеҳрлаб олади. Муқовалаш цехи назоратчиси Наима Усмонова ижросидаги «Андижоним», «Хат», «Ёшлик вальси» қўшиқлари, Бахтиёр Раҳимжонов ижросидаги «Моҳигул», «Фидо», «Ушшоқ» қўшиқлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бугун **ансамблнинг ҳаваскор санъаткорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг кутлуғ 60 йиллигига атаб «Қўшиқлар гулдастаси» номли катта концерт программасини тайёрлашга киришдилар.** Байрам арафасида санъат ихлосмандларига тақдим этиладиган бу қўшиқлар гулдастаси революция ҳақидаги, Ленин ва партия ҳақидаги қўшиқлардан ташкил топади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Венгрия социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари Шандор Борбейни 31 август куни қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири У. А. Рустамов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Х. Р. Раҳимов иштирок этди.

● 31 август куни Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий конференциянинг темаси «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ва ҳозирги дунё» деб аталди. Бу конференция область партия комитети томонидан уюштирилди.

● Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев республикамизда меҳмон бўлиб турган Италия саноатчилари конфедерациясининг президенти Гуидо Карли ва шу конфедерациянинг бош директори Паоло Савонани 31 август куни қабул қилди.

● Студентликни шарафлаш

ОРЗУ ШУ ЕРДА БОШЛАНАДИ

Ўрта Осиёдаги кекса медицина институтининг энг яхши шонли анъаналарини муносиб давом эттирувчилар бўлиш ҳақида тантанали ваъда сўзлари кеча Санъат саройида Тошкент медицина институтига янги қабул қилинган студентларга бағишланган байрамда янгради.

— Ҳар бир инсоннинг ҳаётида, — деди тантанали йиғилишни очатуриб, ТошМИ ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ўктам Орипович Орипов, — унутилмас ҳаяжонли дақиқалар бўлади. Олти мингдан зиёд абитуриент иштирок этган конкурс ғолиблари бўлган сизларнинг ҳаяжонингизни тўла ҳис этиб турибмиз. Институтимизнинг биринчи курсларига қабул қилинган сиз — йигит ва қизларни, сизларнинг ота-оналарингизни, олий ўқув юртининг студентлари бўлиш ҳуқуқини олишингизда сизларга бебаҳо катта меҳнати сингган ўқитувчиларни чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизларнинг ҳаётингиз ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли бўлади. Студентлик даврингиз барча совет халқи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини тантанали нишонлашга тайёрланаётган бир пайтда бошланаётганлиги билан унутилмасдир. Мамлакатимизнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қоладиган бу санани муносиб кутиб олиш бошқа тарихий воқеа — СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси билан ҳамоҳанг бўлди. Совет кишисига улуғвор ҳуқуқлар берган Улуғ Октябрь, СССР Конституцияси туфайлигина, сиз ишчилар, колхозчилар, халқ зиёлиларнинг фарзандлари — олий ўқув юртида таълим олиш шарафига муяссар бўлдингиз. Халққа хизмат қилиш ўз фаолиятининг ажралмас вазифаси деб эълон қилган бизнинг жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз жаҳонда энг инсонпарварлик — соғлиқни сақлаш, врач кадрлар тайёрлаш системасини ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ этди. Сиз ўзингизга керакли медицина билимларини ва кишиларга меҳрибон бўлишини талаб этадиган ғоятда шарафли касбни танладингиз. Бизнинг 90 га яқин профессор, шу жумладан СССР Медицина Фанлари академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлари академиясининг беш аъзоси ва мухбир аъзоси, 500 дан зиёд фан кандидатидан иборат бўлган коллективимиз сизларга ўзининг бой тажрибаси ва билимини беришга ҳамда сизларни юқори малакали, софдил ва кишиларга нисбатан ҳамиша меҳрибон мутахассислар қилиб тарбиялаш йўлида барча куч-ғайратларини сарф этишларига ишончимиз комил.

Тантанали йиғилиш очиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқининг Гимни янграйди. Ўқиш аълочилари Павел Павлий, Гуля Исмоилова, Шавкат Отахонов, Светлана Саркисова, Бахтиёр Исамуҳамедов Тошкент медицина институти байроғини залга олиб кирадилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари К. С. Тўлаганов ана шу тантанали дамларда биринчи курс студентларини табриклайди.

СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ж. Н. Маъсумов, медицина фанлари доктори, одам нормал анатомияси кафедрасининг мудири Р. И. Худойбердиев, ўқув қисми бўйича проректор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Р. М. Нурмуҳамедов, КПСС тарихи кафедраси мудири А. Ф. Водолазский ва бошқалар врачнинг бурчи, чуқур ва мустаҳкам билим эгаллаш зарурлиги, кишилар саломатлиги учун курашда амалда замонавий техника ва фармакология воситаларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапирдилар. Уларнинг сўзларини 1977 йилнинг биринчи курс студентлари Ирина Скопцова, Марина Кабачук, Ирина Алмазова, Жўра Эрматов ва бошқалар катта эътибор билан тингладилар. Бу ёшлар ўз олдиларидаги масъулиятнинг, иқадар муҳимлигини, инсон саломатлигини яхшилаш йўлида мутафаккир ва тадқиқотчи бўлиш лозимлигини атрофлича англадилар.

1977 йилда бу олий ўқув юртини битириб ишлаётган 987 мутахассис номидан ўқиш аълочиси Зуҳра Ботирова, институт комсомол комитетининг секретари ўринбосари Павел Павлий янги студентларга қарата мурожаат қилдилар. Улар биринчи курс студентларини кекса медицина олий ўқув юртининг анъаналарини янада бойитишга чақирдилар ва уларнинг вакилларига рамзий зачёт дафтарчаси, врачлик оқ халати, фонендоскопни топширдилар.

— Бугун биз учун энг қувончли кун, — дейди биринчи курс студенти Жамила Маҳкамова, — биз Тошкент Давлат медицина институтининг кўп минг кишилик оиласига қўшиляпмиз. Доҳий В. И. Ленин айтганидек, инсоният етиштирган билимларнинг барча бойликларини эгаллаш, ўзимизга нисбатан сезгир ва талабчан бўлишга ваъда берамиз.

Тантанали ваъда сўзлари янграйди: «Барча куч-ғайратимизни медицина фанини чуқур ўрганишга, шифокорлик сирларини яхши ўзлаштиришга сафарбар этамиз ҳамда бизнинг улуғ Советлар мамлакатимизнинг муносиб юқори малакали врач мутахассиси, партия ва халқ ишига садоқатли бўлиш учун ваъда берамиз.

Анъанага кўра студентлик номини шарафлаш В. И. Ленин ҳайкалига ва Номаълум солдат қабрига гуллар қўйиш билан тугади.

Н. ПАНЯКШИНА,

Репортаж

Қутлуғ кун

Октябрь районидаги Беруний проспектининг жамоли йил сайин очилиб бормоқда. Бу проспектда кейинги йилларда қурилиб ишга туширилган «Марказ—27» ва «Марказ—26» кварталларида минглаб оилалар истиқомат қилишмоқда. Эндиликда уларнинг фарзандлари ҳам янги, муҳташам мактаб биносига кўчиб ўтишди.

Проспектнинг чап томонида жойлашган Свердлов номли 41-янги ўрта мактаб биноси эрта тонгданоқ шодиёна ва тантана масканига айланиб кетди.

Юзлаб ясанган, бўйнида қизил галстуги порлаб турган болалар уч қаватли катта мактаб ҳовлисини тўлдиришди. Уларни ҳаяжонланган бунёдкорлар, ўқитувчилар кутиб олишмоқда. 159-қурилиш трестининг азаматлари бу мактаб ўқувчиларига 40 та синф хонаси, лабораторияси, мажлислар ва спорт заллари, баскетбол-волейбол ва теннис майдонлари, ўзига хос шинам стадиони бўлган чиройли мактаб комплексини совға қилишди. У 1560 ўқувчига мўлжалланган.

Янги мактаб ўқувчилари синфларга бўлиниб саф тортиб туришибди. Мактаб директори Турсун Раҳимбобоев педагогларни, ўқувчиларни ва қурувчиларни янги ўқув йили бошланганлиги билан қизғин муборакбод этади.

Шундан сўнг мактаб ўқувчилари бу ерга ташриф буюрган энг азиз меҳмонларга — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоновга, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаевга, мактабни бунёд этган қурувчиларга, ўқитувчиларга чиройли гулдасталарни тақдим этадилар.

— Бу мактабни 18 ой давомида қуриб ишга туширдик, — дейди 159-қурилиш трестининг 9-бошқармаси бошлиғи Павел Борисов, — қурувчиларимиз зарбдорчасига ишладилар. Сизларга тақдим этилаётган бу рамзий калит фақатгина мактабнинг эшикларини очиш учун эмас, балки билим чўққиларини очиб кириш учун хизмат қилсин!

Ана шу мактабга биринчи синфга биринчи марта 120 ўғил ва қиз қадам қўйди. Уларнинг бири Гулнора Зокирова янги мактабнинг биринчи қўнғироғини фахр билан чалади. Юзлаб ўқувчилар ўз синфлари томон ошиқадилар.

А. ПУЛАТОВ.

СУРАТДА: янги мактабнинг биринчи ўқувчилари.

М. Нуриддинов фотоси.

БИР УМР МИННАТДОР

Бундан 16 йил муқаддам В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети қошида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи марта чет эллик студентлар учун тайёрлов факультети очилган эди. Ўтган вақт ичида ана шу факультетни жаҳоннинг Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси қитъаларидаги 40 мамлакатнинг 2 мингдан зиёд студенти битириб чиқди.

Ўтган ўқув йилини ўнлаб мамлакатнинг 199 вакили тугатди. Ҳозирда улар Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Тошкент ва бошқа кўпгина шаҳарлардаги олий ўқув юртларининг студентлари бўлишди.

— Ленинград политехника академиясининг битирувчиси, Вьетнам Социалистик Республикасидан келган Ву Куанг Зонг ўзининг мактубида «Рус тилини ўрганишимда менга катта ёрдам берганликлари учун Тошкент Давлат университети тайёрлов факультетидан миннатдорман» деб ёзади...

«Тошкент университетида таълим олганимдан хурсандман», дейди ҳинд студенти П. Прадип.

Янги ўқув йили бошланди. Вьетнам, Куба, Бангладеш ва бошқа мамлакатлардан келган студентлар аудиторияларимизни тўлдиришди.

Улар юбилей йилининг лекциялари ва машғулотларида мамлакатимиз тўғрисида, республикамизнинг фан, маданият, экономика соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида кўпгина янгиликларни билиб оладилар, шаҳримизнинг ҳурматли кишилари билан учрашадилар, экскурсияларда бўладилар.

Совет тупроғида, Ленин номли университетда дастлабки ўқув куни бошланди.

Ш. ШАРОПОВ,

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети чет эллик гражданлар учун тайёрлов факультети декани.

• Меъморлар устахонасида

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ ВА ДАСТЛАБКИ ЛОЙИҲАЛАР

АНЪАНАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Леон Тигранович Адамовнинг кабинети доимо одамлар билан гавжум. Бу ерга архитекторлар, лойиҳаловчилар, қурувчилар узлуксиз кириб-чиқиб туришади. Уларнинг айримлари лойиҳа чизмалари, ватман ва ялтироқ, нафис чизма қоғозлар билан, бошқа бирлари эса маслаҳатлашиш ва тасдиқлаш учун керакли лойиҳа ҳужжатлари билан келган бўлишади.

Леон Тигранович ҳал этилиши жуда зарур бўлмаган ишларни бир ёққа суриб, чизмалар ва эскизлар ёйилган узун стол ёнига келади. Доимо баҳслашишга тайёр турадиган лойиҳа авторларига кулимсираб нигоҳ ташлайди...

Ишлар, ишлар... Ҳа, шаҳар Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарининг вазифаси шунақа. Ўнлаб ихтисослаштирилган лойиҳалаш институтларининг лойиҳаларига бу ерда сўнгги хулоса билдирилади ва у тасдиқдан ўтади. Улкан шаҳримиздаги бирорта бино ҳам ГлавАПУнинг «йўлланма қоғози»сиз қурилмайди.

Дастлаб мен берган савол Леон Тиграновичга кутилмагандек туюлди. Чиндан ҳам кўп квартирали уйларда қўни-қўшни бўлиб яшаётган одамлар билан меъморлар ўртасида қандай умумий томонлар бўлиши мумкин? Аммо бир дақиқадан кейин Леон Тигранович ишчан қиёфада гапира бошлади.

— Социология ва демография архитектура-меъморчилик соҳасига борган сайин кўпроқ таъсир этмоқда. Ўз навбатида лойиҳаловчилар ҳам бу борада ўзларининг яхши ёрдамчиларини кўриб, баъзан уни устоз сифатида тан олмоқдалар. Йирик микрорайонлар у ёқда турсин, ҳатто кўп квартирали битта уй лойиҳаси ҳам аҳолининг такомил этиб келган анъаналари, оилавий одатларини ҳисобга олмасдан тайёрланмайди.

Архитекторларга социология ва демография фанларидан шуғулланувчи олимлардан ташқари иқтисодчилар, психологлар, ва бошқа турли ихтисосликдаги олимлар билан ҳамкорликда ишлашга тўғри келяпти.

Ўзаро дўстлик, меҳр-оқибатлик, коллективизм бизнинг кишиларга хос хусусиятлардандир. Масалан, мисол учун оилавий тантаналар ўтказишни олиб кўрайлик. Биз бир неча бор гувоҳи бўлдикки, оила у ёки бу байрамни тантанали равишда ўтказса, албатта ўзи истиқомат қилаётган кўп қаватли уйда яшовчиларни ҳам меҳмонга чақиради. Бундай тантаналарга қўшни биноларда истиқомат қилаётган кишилар ҳам таклиф этилади. Мана, ҳовлига узун қилиб столлар қўйилган, кўпчилик учун мўлжалланган умумий қозонда овқат пишяпти, самоварда эса ҳамма учун бир хил чой қайнаяпти. Ҳамма жойда бундай тўй-ю тантаналар хурсандчилик билан ўтади. Яқин қўшничилик бизда энг типик хусусиятга айланиб қолган. Одатдаги кунларда эса қўшнилар бир пиёла чой устида ўзларининг ҳар доимги ишларини гаплашиб, муҳокама этиб ўтирадилар.

Архитекторларнинг бундай яқин қўшничилик учун маиший, дам олиш ва бошқа турли хил қулайликлар яратишга интилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ КОМПЛЕКС ҚУРИЛЯПТИ

Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтининг лойиҳаси асосида «Марказ-22» кварталида экспериментал турар жой комплекси қурилиши аллақачон бошлаб юборилган. Бу комплекс Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Шимоли-ғарбий зонасида қад кўтармоқда.

Бу ердаги уйлар одатдагиларидан анча фарқ қилади. У фақатгина ташқи қиёфаси билан эмас, балки жойлашиш тартиби билан ҳам диққатни ўзига тортади. Кўп қаватли уйларга магазинлар, ошхоналар, маиший хизмат муассасалари жойлашган бинолар туташиб кетган. Кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида маданий-оқартув муассасалари ўрин олади. Бу ерда оилавий тантаналар ўтказиладиган катта зал ҳам жойлашади. Кўп қаватли уйларнинг оралиқ қаватларидаги кенг майдончаларда бу уйларда истиқомат қиладиган кишилар дам оладиган ва болаларнинг турли хил ўйинлари ўтказиладиган жойлар бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу майдонларнинг ҳажми унда хоҳишга кўра кишки боғ вужудга келтириш имконини ҳам беради. Бу, одамлар биргалашиб ўтириб, суҳбатлашадиган ёки дам оладиган ягона жой эмас. Бино ёнидан спорт майдончалари, бассейн, хиёбон зоналари ҳам ўрин олади.

Микрорайонда бундай маданий-маиший комплекслардан 11 таси жой олади.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида ўнлаб турар жойлар ва микрорайонлар комплексларининг катта ҳажмдаги суратлари, улар ифодаланган планшетлар ва лойиҳа эскизлари тўпланган. Бу ерда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб кўчма виставкалар ташкил этиляпти. Қурилаётган ёки қурилиши мўлжалланган, эксперимент сифатида лойиҳаланган бундай биноларнинг ҳар бир лойиҳасида архитекторларнинг бу биноларда истиқомат қилаётган кишилар қўшнилар билан яқин, мустаҳкам муносабатда бўлиши каби социалистик турар жойлардаги маънавий принциплар ўз ифодасини топган.

Бу қизиқарли кўргазмада «Ташгипрогор», «ТашНИИПИгенплан», «ТашЗНИИЭП», «УзНИИПградостроительство» ва бошқа йирик лойиҳалаш институтлари иштирок этмоқда.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси тўғрисида» қилган докладида «Лойиҳада совет гражданларининг ҳозирги Конституцияга ёзилмаган ҳуқуқи ҳам айтилган. Бу ўринда мен уй-жойлик бўлиш ҳуқуқини назарда тутаман. Уй-жой қурилиши программаси амалга оширилган сайин, шунингдек давлат томонидан кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига кўмаклашиш йўли билан бу ҳуқуқ тобора тўлиқроқ таъминлана боради. Бизнинг янги Конституциямиз инсон учун ҳаётий муҳим бўлган бу ҳуқуқни дунёда дастлабки мамлакатлардан бири бўлиб эълон қилади», деган эди.

Сон-саноқсиз янги қурилишлар шаҳримизга йил сайин янги қиёфа бахш этяпти. Давлатимиз уй-жой проблемасини тўла ҳал этиш учун жуда кўп маблағ ажратмоқда. Янги уй-жойларни уй тўйи сифатида байрам қилиш турмушимизнинг энг характерли хусусиятларидан бирига айланиб қолди.

Г. КАЛАНДАДЗЕ.

САҲОВАТЛИ ҚЎШНИЛАР

• ҲАР БИР МИКРОРАЙОНДА ҚУЛАЙЛИК БЎЛСИН
• МЕЪМОРЧИЛИКДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ
• УМУМИЙ МАҚСАДЛАР—УМУМИЙ ИШТИЁҚЛАР

Шаҳримизда уйлари олдида гулзорлари, дов-дарахтлари ва яшил зоналари бўлган квартал ва микрорайонлар оз эмас. Бунда иштиёқ билан кучат ўтқазаётган ва уларни эҳтиётлаб парвариш қилаётган аҳолининг хизмати катта. Уларнинг умумий кучлари ва диққат-эътиборлари туфайли уйлар атрофи тоза сақланмоқда, балконлар ва пешайвонларнинг ташқи қиёфасига мунтазам аҳамият берилмоқда. Бошқача айтганда, ҳамма бинолар атрофини чиройли сақлаш, кишиларда ғамхўрлик ва саховатни шакллантиришдек ягона истакда яшамоқда.

Ана шунинг учун ҳам «Правда» газетасининг 14 августда босилган «Саховатли қўшнилар» сарлавҳали бош мақоласи шу масалага бағишланди. Унда, жумладан Узбекистон пойтахтида маиший юмушлар, дам олиш ва кишиларнинг ўзаро бир-бирлари билан турли мулоқатлари учун янада яхшироқ шароитларни ўз ичига олган экспериментал микрорайонлар яратишда қўлга киритилган ютуқлар таъкидлаб ўтилган.

Бугун биз ушбу саҳифада тошкентликлар ўз кварталлари ва массивларида қандай яшаётганлиги, қўшниларда саховат ва коллективизм туйғуларини шакллантириш учун қандай ишлар қилаётганлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

БИЗ ЯШАЁТГАН УЙ

«... Намунали асралаётган уй номи берилсин». — биз истиқомат қилаётган Весна кўчасидаги 198-уй жамоатчилигининг бутун фаолияти ана шундай баҳоланди. Биз, бу уйда истиқомат қилувчи аҳоли бундай фахрли номга қандай қилиб эришдик! Мен ана шу ҳақда ҳикоя қилмоқчиман.

Саккиз йилдан буён мен домкомман. Бу уйга кўчиб келганимизнинг дастлабки кунлариданоқ бизда мустаҳкам, уюшган активистлар тўпланди. Аҳоли ўртасида ўтказиладиган жамоат ишлари ва тадбирлари учун ғамхўрлик қилишга активистлар катта эътибор беришарди. Морозенко, Горбачев, Игольникова, Сизинцева, Рафиқова ва бошқалар ўзларининг бўш вақтларини уйнинг санитария аҳволини яхшилаш, қўшнилар ўртасида яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга бағишладилар.

Бу активистларнинг хайрли ишлари туфайли аҳоли ўртасида катта ва қизиқарли ишлар олиб бориляпти. Ҳовлида ташкил этилган саҳнада фильмлар намойиш қилинади, ҳаваскор ансамбллар концерт қўйиб беради. Крупская номли пионерлар саройининг қўғирчоқ театри эса тез-тез фарзандларимиз меҳмони бўлиб туради. Бундан ташқари, турли хил мавзудаги суҳбат ва лекциялар ўтказилмоқда. Биз истиқомат қилаётган бинода «Бизнинг уйимиз» сарлавҳали деворий газетамиз ва «Молния»миз чиқади. Унда санитарияга хилоф иш тутадиганлар танқид қилинади.

2-шаҳар поликлиникаси ходимлари билан ҳам яхши алоқа ўрнатилган. Улар аҳоли ўртасида тез-тез профилактика тадбирларини ўтказишади. Саломатлик, гигиена, санитария масалалари бўйича лекция ўқигани келишади.

Яқин қўшничилик бўйича пайдо бўлган яхши муҳит туфайли қўшни биноларда истиқомат қилаётганлар билан ҳам муносабатларимиз янада намуналидир. Биз қўшниларимиз билан уй-жой фондини яхши асраш, юксак маданият соҳасида мусобақалашганмиз.

Биз истиқомат қилаётган уй фақатгина турли хил ёшда, характерда ва қизиқишдаги 300 кишининг ягона бошпанасигина эмас. Бу умумий орзу ҳаваслари, умумий қизиқишлари, умумий қувончлари бўлган катта бир ягона оиладир.

А. СОЛДАТКИН,
уй комитетининг раиси.

• *Яхши кишилар ҳақида*

ИШТИЁҚ

Абдулкарим Ибрагимович яқиндагина отпускадан қайтди. Тажрибали врач-хирургнинг лекцияларини яна бир неча кундан кейин врачлар малакасини ошириш институтида ўз билимларини ошираётган ўнлаб ёш медиклар иштиёқ билан эшитишади. Ҳозирча эса Давликамовнинг озроқ бўш вақти бор. Шунинг учун ҳам уни эрталаб барвақт «Марказ-4» кварталидаги 10-ЖЭКда учратиш мумкин. У бу ерга ўқитувчилар билан ишлаётган ўз институтига бораётгани каби шошиб, сабрсизлик билан етиб келади.

Гап шундаки, Абдулкерим Ибрагимович Давликамовнинг яна бир «вазифаси», тўғрироғи жамоатчилик иши бор. У 23-уй комитетининг раиси.

У бутун умрини бахш этган касби кўп жиҳатдан жамоат ишларига мувофиқ келади. Масалан, ҳовлининг антисанитария ҳолати соғлом кишиларга қандай зиён келтиришини ҳамма ҳам врач сингари билавермайди. Яшил зоналарнинг, дов-дарахтларнинг бутун турар жой массивида микроиқлим вужудга келтириши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам домком бу масалаларга жуда катта аҳамият беради. Унинг ташкилотчилик қобилияти ва интилишлари туфайли 23-уй атрофида намунали тартиб вужудга келтирилди, бино атрофидаги бутун территория кўкаламзорлаштирилди.

Аҳолининг ўзи домкомнинг энг яхши ёрдамчилари ҳисобланади. Ҳаваскор боғбон Сергей Иванович Фомин ёки эр-хотин Нина Алексеевна ва Леонид Федорович Баловневлар уйнинг жамоат ишларида доимо актив иштирок этишади. Уй комитетида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни муҳокама этишда иштиёқ билан қатнашадилар. Уй-жой фондини асраш, бинода тозаликка амал қилиш ёки уй-жой коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ишлари ва ҳоказо. Бу уйда истиқомат қилаётганлар ичида уй ҳақларини тўламайдиганлар топилмайди. Аҳоли ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борилиши туфайли эндиликда ҳар бир квартира эгаси ЖЭКда турли тадбирлар ўтказиш, уй-ҳақларини ўз вақтида тўлашга боғлиқ эканлигини яхши билишади. Чунки бу маблағлар уйларни ремонт қилиш, уй атрофларини ободонлаштириш ва бошқа турли профилактика ишларига сарфланади.

Уй комитетининг ЖЭК билан алоқаси мустаҳкам. У ўзаро тушуниш асосида қурилган. Бунинг натижасида барча масалалар кечиктирилмасдан ҳал этилади. Бу айни пайтда Абдукарим Ибрагимович Давликамов каби ўзининг жамоат ишларига иштиёқ билан қатнашадиган кишиларга ҳам кўп даражада боғлиқ.

В. ЖУРАВЛЁВ.

СУРАТДА: А. Давликамов 10-ЖЭК слесарь-сантехниги С. Сушкевич билан суҳбатлашмоқда.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

УНИ ҲАММА ҲУРМАТЛАЙДИ

Биз истиқомат қилаётган Чилонзор массивидаги 23-кварталнинг 37-уйи атрофи доимо озода ва тартибли. Бу албатта бизнинг ҳовли супурувчимизнинг ҳалол хизмати туфайлидир. Уни одамлар Сония хола, деб ҳурмат билан чақиришади.

У супуриб-сидиришни эрта тонгдан бошлайди. Ҳамма жойнинг озода бўлишига эътибор беради. Ҳовлининг доимо чиройли ва тоза бўлиши учун иштиёқ билан меҳнат қилаётган Сония хола ишига боқиб, аҳоли ҳам ҳовлини тоза сақлашга ҳаракат қилмоқда.

Ҳ. ВАЛИЕВ.

Микрорайонда ёз гаштли ўтди

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

ЧИЛОНЗОРДАГИ 24-кварталга биринчи марта борганимда 5-уйни сўраб-суриштиришга ҳожат бўлмади. Ёнгинамдан чопиб ўтишаётган қизлар ва ўғил болалар «Тезроқ, ахир кеч қоламиз!» дейишарди. Ҳа, дарахтларга ёпиштирилган ва илиб қўйилган чиройли афишалар барчани карнавалга таклиф қиларди.

Музика, қўшиқ, рақс, фахрий ёрлиқларни топшириш. Бу ерда 25-ЖЭК ҳузуридаги болалар ёзги соғломлаштириш майдонининг ёпилишига бағишланган карнавал бўлаётган эди.

Эҳтимол «...майдончанинг ёпилишига бағишланган», деган сўз ғайри табиий эшитилиши мумкин. Умуман айтганда бу қувноқ, қизиқарли карнавал ҳар қандай оддий воқеага ҳам бағишланавериши мумкин эди. Аммо бугун бу ерда ёпилган соғломлаштириш майдончаси эса оддий нарса эмас. Шунинг учун ҳам у шўх ва қувноқ карнавал учун мувофиқ эди. Унинг «Радость» деб аталиши бежиз эмас. 24-кварталда 5500 бола истиқомат қилади. Уларнинг ҳаммаси ҳам пионер лагерларига боролмайди, албатта. Бу болаларнинг яхши дам олишини уюштириш, уларни қизиқарли иш билан машғул этиш тарбиячилар ва педагогларнинг доимий диққат марказида туради.

Серсоя дарахтлар, тип-тиниқ бассейнлар, теннис ва волейбол майдончалари бўлган спорт майдончаси улар хизматида... ЖЭК шу жойнинг ёнгинасида бўлганлиги учун ҳам буларни ташкил этиш осонроқ бўлди.

Нега биз ЖЭКни эсладик. Чунки бу уйжойлардан фойдаланиш идорасининг ходимлари ана шу майдончани ташкил этишда қизғин фаолият кўрсатдилар, ўзларининг зарур ёрдамларини аямадилар. Бассейнларни сув билан тўлдириш, жиҳозларни бўяш, теннис столларини ремонт қилиш, плакатлар ёзиш—буларнинг ҳаммасини ЖЭК энг биринчи навбатда бажариб беради. Майдончани спорт инвентарлари, болаларнинг турли хил ўйинчоқлари билан таъминлаш ҳам ЖЭК зиммасида. Чунки бу ерда ёзда ўнлаб турли хил секциялар ишлади.

...Карнавал айни авжига чиққан пайт. Район пионерлар саройининг ходимлари жуда қизиқарли янги ўйин кўрсатишарди. Болалар майдончасини оталиққа олган республика Маҳаллий саноат министрлигининг бадиий конструкторлик бюроси майдончани зарур асбоблар билан таъминлади.

Карнавалнинг тантанали қисмида майдонча ишида актив иштирок этганларни жамоатчилик ва болалар ёрлиқлар, совғалар билан тақдирлашди. Ҳовли ҳаваскорлари концерти бошланишидан озгина вақт муқаддам мен ҳозирги қувноқ давранинг сабабчиси, уни ташкил этишда катта фаолият кўрсатган киши билан суҳбатлашиб ўтирардим.

Эшкара Маркаевич Кулбаев бутун умри мобайнида болалар билан бирга. У аввал тарих ўқитувчиси, мактаб-интернат директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Кейинги йилларда эса 25-ЖЭК ҳузурида ташкилотчи-педагог бўлиб ишлаяпти. Кулбаев барча болаларни номма-ном билади. Унинг ён дафтарида анча ҳовли командалари, барча болалар советлари ва уларнинг раисларининг номлари ёзилган.

Агар болалар ўзларига ишончни сезишса, қизиқарли ишлар билан банд бўлишса, ҳеч қачон тартибсизлик билан шуғулланмайдилар.

Албатта, майдончани ташкил этишга қаршилар ҳам бўлди. Шовқин-сурон бўлиб, тинчлик беришмайди улар, дейдиганлар ҳам топилди. Аммо улар болаларнинг қизиқарли ўйинлар билан машғуллигини, ҳамда ҳовлилар бўйлаб бекордан-бекорга изғишлари йўқолганини кўргач, бу ишга жиддий муносабат билан қарашадиган бўлишди. Аҳоли ўртасида Иван Федорович Дудин, Софья Семеновна Симкина, Семён Наумович Женжеров ва бошқа актив ёрдамчилар ҳам пайдо бўлди.

— Агар ҳар бир ҳовлида ана шундай болалар майдончаси бўлса қандай яхши бўларди-а, — дейди Эшкара Маркаевич. — ва бундай майдончалар ҳар йили 1 июнда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни очилса...

Мен ўзимча унинг сўзларига қўшимча қилдим: Ҳа, бундай болалар соғломлаштириш майдончаларида айни пайтда ўз ишини севадиган, ўсиб бораётган авлодни тарбиялашда чарчамайдиган Эшкара Маркаевич Кулбаевдек кишилар ишласа, яна ҳам яхши бўларди.

А. ТЮРИКОВ.

Ташвишли сигнал

МАССИВДА ТАРТИБСИЗЛИК

Кейинги пайтда «Ташсельмаш» массиви кўримсиз бўлиб бормоқда. Аҳоли территория тоза бўлиши учун қанча ҳаракат қилмасин, барибир бу ерда қаланиб ётган чиқиндилар кун сайин кўпаймоқда. Бунинг сабаблари кўп. Мана булардан айримлари. Бу ердаги йўллар, йўлкалар тўла ишдан чиққан. Унинг атрофи доимо чанг, ёмғир ёғса лойдан ўтиб бўлмайди. Биноларнинг подъездларини тозалаш ишлари ёмон ташкил этилади. Илгарилари массивда чиқинди, ахлатлар солинадиган контейнерлар бор эди. Ҳозир уни ҳам олиб ташлашган. Ахлат ташувчи машиналар онда-сонда бир келади. Бунинг натижасида аҳоли ортиқча чиқиндиларни биноларнинг шундайгина атрофига тўкишга мажбур бўлмоқда.

Бир неча йил муқаддам 6, 7-уйлар ва болалар боғчаси орасида «Таштеплосеть» корхонаси ишчилари ер ости коммуникациясини ўтказиш учун чуқурлар кавлашган эди. У кейин кўмиб ташланмаганлиги учун ахлат тўкиладиган жойга айланиб қолган.

Айтиб ўтилган ана шу ғашга тегар фактлар аҳолининг массивни ободонлаштириш ишларига ҳалақит бермоқда. «Ташсельмаш» заводининг раҳбарлари бунга эътибор берганида, ана шу нуқсонларни бартараф этиш мумкин эди.

А. НОВГОРОДОВ.

ҚАЙНОҚ ҲАЁТ ОРАСИДА

Меҳнат гаштини суриб пенсияга чиққан кишига нима ҳам керак? Ташвишсиз, осуда турмушми? Йўқ, бундан бошқачароқ. Илгаригидек, одамлар орасида бўлиш, уларга зарур ёрдамини аямаслик, кишиларга ҳар доим керакли бўлиш, атрофимда яшаётган одамлар яхши ва қувноқ яшаши учун қўлимдан келганича иш қилиш, мен учун муҳимдир. Шунинг учун ҳам мана бир йилдан буён уй комитетига раислик қиляпман. Бу иш кўп ташвиш туғдирадиган бўлса ҳам кишиларнинг миннатдорчиликлари, уларнинг яхши кайфиятлари ва қўшниларнинг бир-бирларига яхши муомалада бўлишлари, бутун уйдаги аҳолининг аҳил яшаши ана шу ташвишларнинг яхши натижасидир.

Аҳоли ўртасидаги яхши, илиқ муносабатлар қандай пайдо бўлади? Менимча, ҳар бир кишининг у бутун дунёдан ажралган ўзининг шахсий қалъасида эмас, балки бошқа кишилар билан ёнма-ён яшаётганини тушуниши асосий нарсадир.

Бу оддий формулани бизнинг уйда турувчиларнинг кўпчилиги аъло даражада тушунишади. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига яхши муносабатларини бўшаштирмайдилар, бутун кварталнинг жамоат ишларида актив қатнашадилар.

Мана ўн йилдан буён мен ЖЭК ҳузуридаги клубимизга раҳбарлик қиляпман. Бу ерда тез-тез суҳбатлар, йиғилишлар ва лекциялар ўтказиб турилади. Унга «Марказ-7» кварталининг барча аҳолиси жон-жон деб келишади. Бир мисол олиб кўрайлик. Кварталимизда жойлашган 1-поликлиникада биз билан ёнма-ён яшаётган кўплаб врачлар ишлашади. З. Федотова, Н. Ефимова шулар жумласидандир. Улар бизнинг клубимизда ўзларининг саломатлик тўғрисидаги лекциялари билан бажонидил қатнашадилар.

ЖЭКимизда 40 дан ортиқ активистлар бор. Биз улар билан бирга ҳал қилиниши зарур бўлган проблемаларни, кварталимизни намунали кварталга айлантириш учун қандай ишлар қилиш кераклигини муҳокама қиламиз. Бу ишда кўпинча аҳолининг ўзаро мусобақада иштирок этиши катта ёрдам бермоқда. Масалан, Чимкентская кўчасидаги 11 ва 13, Кафанов кўчасидаги 9 ва 5-уйлар бир-бири билан мусобақадош. Кўпчилик уйларимиз эса ҳозирданоқ «Намунали асралаётган уй» номини олишга эришди.

Биз камчиликлар ва нуқсонлар билан муросасиз кураш олиб борамиз. Масалан, уй комитетининг кейинги йиғилишида биз уйларнинг санитария аҳволи масаласини муҳокама қилдик, 15-уйда истиқомат қилувчи кишиларнинг айримлари ноўрин жойга ахлат ва чиқиндиларни ташлаб, бутун кварталнинг ҳуснига доғ тушираётгани танқид қилинди. Ёки бошқа масала. Кўпчилик кишилар уйларида ит сақлайдилар. Аммо айрим кишилар итларни тўғри сақлаш қоидаларига риоя этмайди. Уларни лифтда олиб юришади ва тумшуқбандсиз қўйиб юборишади. Шунинг учун ҳам биз йиғилишда тартиббузарлар билан бу масалани жиддий гаплашдик.

ЖЭКимизда юқорида айтганимдек, активларимиз кўпчилик. Валерий Николаевич Сайганов ўз бўш вақтларини кўпинча ёшлар билан ўтказади. Борис Раҳманович Шаломаев эса тозалик-санитария ишлари бўйича назоратчидир. У тозаликка хилоф келтирувчилар билан жуда муросасиз муносабатда бўлади. Оилаларда ва айрим қўшнилар ўртасида бўладиган келишмовчиликларни ҳал этиш ва муҳокама қилишда О. Зайчнер, А. Тимофеев, Э. Йўлдошев, М. Исахоров сингари жамоатчиларимиз ўртоқлик судида қатнашадилар.

Активларимиз яхши иш олиб бораётганликлари туфайли кварталимизда илгари бирбири билан чиқишмаган кўплаб оилалар эндиликда яқин қўшничилик муносабатлари ўрнатишган.

Ҳар куни янги ишлар, янги ташвишлар келиб чиқади. Эрталабдан болалар клубига ошиқаман. «Звездочка» клубида болалар нима билан машғуллиги билан қизиқаман. Ундан кейин эса бизнинг участка бошлиғимиз Рустам Рўзиевич Рўзиев билан суҳбатлашаман. У бизга одамлар билан ишлашда катта ёрдам бермоқда. Ундан кейин эса ахлат ташиб кетадиган машиналардан чиқиндилар қолиб кетмаганмикин, буни ҳам текшириб кўраман. Шундай одамлар ҳам борки, машина келиб кетганидан кейин топ-тоза йўлкаларга челак-челак чиқиндиларни ташлаб кетишади. Кимлар шундай қилаётганини ҳам аниқлашимиз керак.

Фаррошлар билан ҳам гаплашиш керак. Улар, айниқса В. Сингатуллин, А. Муталова, В. Дмитрек ва бошқалар бизнинг актив жамоатчиларимиз ҳисобланади.

Ана шундай қилиб, куннинг ўтганини ҳам сезмайсан. Доимо хайрли ишлар билан банд бўлсанг, кўпчиликка қувонч келтирасан.

А. ЖУКОВА,
16-ЖЭКка қарашли уй комитетининг раиси.

10 Справкалар бюроси
Хатларга жавоб берамиз

Н. САФОЕВА: Шаҳримизда маданий оқартув техникуми бор. Бу техникум қандай касб эгаларини етиштиради? У ерга 10-синфни битирган ўқувчилар ҳам қабул қилинадими?

Жавоб: Пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги студентлар шаҳарчаси территориясида жойлашган маданий-оқартув техникуми ёшларимизнинг касб-ҳунар ўрганадиган масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда клуб хизматчилари, хор оркестрлиги, режиссёрлик, хореография ихтисослиги бўйича мутахассислар етиштирилади. Шу йилдан бошлаб безакчи-рассомлар ва маданий-оқартув ишларида техника восталарини қўллаш методикаси ихтисослиги бўйича хизматчилар тайёрлаш йўлга қўйилади. Техникумга ўрта мактабни битирган ёшлар ҳам кириши мумкин. Бугун бу ерда ҳамма жойда бўлгани каби янги ўқув йили бошланди.

* * *

С. АЛИЕВ: «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сериясида чиқарилаётган асарларнинг қўшимча чиқариладиган 201-томи ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» сериясида чиқарилаётган китобларнинг 201-томи барча томлар, авторлар, асарларнинг таржимонлари тўғрисида, библиографияси хусусида бўлиб, у бепул тарқатилади.

* * *

М. ТОЛИПОВ: Мен трамвай ҳайдовчилик касбига қизиқаман. Тошкентда ана шу касбни ўргатадиган курслар борми?

Жавоб: Трамвай ҳайдовчилик касбини эгаллашга аҳд қилган экансиз бу — жуда яхши. Шаҳримизда бундай касб эгаларини етиштирадиган олти ойлик курсларга кириб ўқишингиз мумкин. Бундай курслар 1-трамвай депосида (Гайдар проезди, 50-уй) ва 2-трамвай депосида (Ҳамза кўчаси, 1-уй) очилган.

* * *

С. АҲМЕДОВА: Оч рангдаги ип газламаларга теккан йод доғларини қандай қилиб кетказса бўлади?

Жавоб: Йод доғлари гипосульфит эритмасида кетказилади. Оч рангдаги ип газлама, зиғир толасидан тўқилган газлама, жун ва ипак газламалардаги йод доғлари бир стакан илиқ сувда бир чой қошиқ гипосульфит эритмаси эритиб тайёрланган суюқлик билан артиб кетказилади, кейин буюм тоза сувда чайилади.

Рангдор газламалардаги йод доғи денатурат спирти ёки ацетон билан ҳўллаб ва пахта билан артиб кетказилади. Йод доғини ҳўл картошка уни билан артиб кетказса ҳам бўлади. Картошка унини ифлосланган сайин янгилаш керак.

Кўча тасодифларга тўла
ГАИ ахбороти

«Шаҳар» йўл ҳаракатини автоматик бошқариш системаси қурилиши муносабати билан Пролетар ва Жуковский кўчалари чорраҳасидаги светофорларнинг иш режими ўзгартирилди. Пролетар кўчаси билан Жуковский кўчасининг ўнг бурилишига, Чехов кўчасидан Пролетар кўчаси томондаги чап бурилишга қўшимча секциялар ўрнатилди.

Усмон Юсупов кўчаси бўйлаб Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидан Навоий кўчасига қадар бўлган қисмида юк транспортининг ҳаракати ман этилади. Ново-Сергелийский кўчаси бўйлаб Спутник массивидаги Чоштепа кўчасига қадар бўлган масофада ўн тоннагача юк ортилган автомобиллар ҳаракатига рухсат этилади.

Барча ўзгаришлар ҳаракат бўйича махсус йўл белгилари билан белгиланган.

• Педагог минбари

Фарзандингиз мактабга борди...

Биринчи сентябрь, биринчи қўнғироқ, мактаб остонасига кичкинтойнинг биринчи қадами! Буларнинг ҳаммаси ота-оналар қалбида, фарзандлар қалбида абадий қувонч бўлиб қолади. Чунки, кечагина боғча тарбияланувчиси ҳисобланган бола бугун мактаб ўқувчиси, унинг учун энди янги ҳаёт бошланди!

Мактаб ҳаёти болаларга янги дунёни очиб беради, бу ерда уларнинг фаолиятлари ўзгаради, ўйин ўрнини энди ўқиш, фан асосларини пухта ўрганиш эгаллайди. Аммо бундан бола энди мутлақо ўйнамайди, деган фикр келиб чиқмайди албатта, бола ўйнайди, шу билан бирга у энди кўпроқ ақл ишлатадиган машқларни ҳам бажариши лозим бўлади.

Ўқишнинг дастлабки кунидан бошлаб ўқитувчи болалар учун энг яқин ва севимли шахсга айланади. У ўз билганларини болаларга қизиқарли, жозибали қилиб сўзлаб беради, шу йўсинда у болаларни билимлар зинапоясидан етаклаб, кенг илмлар оламига олиб чиқади.

Мактабда берилган билимларни пухта ўзлаштириш етти ёшли болалардан бир қатор янги сифат ва хислатларни талаб қилади. Психолог олимларнинг кўрсатишича, мактаб ўқувчиси барқарор диққатга, ўткир зеҳнга, мустаҳкам хотирага, кучли иродага эга бўлишлари лозим.

Маълумки, мактабда бериладиган барча билимлар болалардан диққатни талаб этади. Диққатни теварак-атрофни билишдаги роли ҳақида К. Д. Ушинский образли қилиб, «Диққат — гўдакнинг қалбига олам кириб борадиган даричадир», деган эди. Боланинг атрофга, нарса-ҳодисаларга қизиқиши қанчалик ортиб борса, унинг диққати шунчалик барқарор бўлади. Болаларда ихтиёрий, барқарор диққат тарбияланган тақдирдагина унинг ўзлаштириши ҳам яхши бўлади. Болада бу хил диққатни уй юмушларини бажариш йўли билан ҳам тарбиялаш мумкин. Масалан, болага ўз хонасини йиғиш, ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш каби ишларни топшириш мумкин. Бу ишларни бажариш болаларда ихтиёрий диққатни тарбиялашга ёрдам беради. Шунинг учун К. Д. Ушинский болаларни ўрганишга ўргатиш, уларни ҳафсалали бўлишга ўргатиш лозим, деган эди.

Бу даврда бола хотирасини тарбиялашга ҳам катта эътибор берилади. Тарбиячи болаларга шеър, ашула, қўшиқлар ёд олдиради. Тарбиячининг айтиб берган хикоя, эртаклари ёки болаларнинг ўзлари аввал эшитган эртаклари қайта сўзлатилади. Чунки бу машқлар бола хотирасини мустаҳкамлашга ўз билганларини изчил, аниқ, равон баён қилишга ўргатади.

Болаларининг мактабда қандай ўқишига ҳар бир ота-она жиддий эътибор билан қараши керак. Ота-она ўз фарзанди ўқийдиган мактабга бориб ўқитувчи билан танишиши, у билан суҳбатлашиши, унинг айтган маслаҳатларига амал қилиши лозим. Шунда улар ўз ишларида ижобий натижаларга эришадилар.

Ота-оналар биринчи навбатда болаларда билимга қизиқишни, кузатувчанлик-синчковликни, барча ишларни бажаришда мустақилликни тарбиялашлари лозим. Яна ота-оналар болада ахлоқий сифатларни ҳам тарбиялашга эътибор беришлари керак. Бола мактабга келган кунидан бошлаб уни жуда кўп болалар, тенгдошлари қуршаб олади, у барча кишилар билан муносабатда бўлиши лозим. Шунинг учун болани ўз атрофидаги барча одамлар билан тўғри муносабатда бўлишга, улар билан саломлашишга, бирга ўйнаш, бирга дарс тайёрлашга ўргатиб бориш лозим. Болаларни бошлаган ишни охирига етказишга, қийинчиликларни сабот билан енгишга ўргатиш керак.

Ахлоқий сифатларни тарбиялашда аввало болаларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этиш, ахлоқий одатларга машқ қилдириш яхши натижалар беради. Оилада олиб бориладиган барча тарбиявий ишлар мобайнида асосий эътибор болани койиш, танбеҳ беришга эмас, балки кўпроқ боланинг ишларига яраша тўғри баҳо бериш, яхши ҳаракат қилса рағбатлантириш, ўз кучига нисбатан ишонч ҳосил қилиш лозим. Чунки доимий койиш, танбеҳ бериш боланинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатади. Боланинг ҳаётини шундай йўлга солиш керакки, ман қилишдан кўра, рухсат беришлар кўпроқ бўлсин.

Болани ижобий хатти-ҳаракатларга ва хулқ-атворга доимо одатлантириб бориш лозим. Ана шунда сиз ўз фарзандингизнинг яхши ўқиши учун замин яратган бўласиз.

Болани биринчи кунларданоқ мактабга бориб-келиши, ўқиши, уй вазифаларини бажариши каби ҳолатлар билан ота-она албатта қизиқиши керак. Агар болада бирор қийинчилик туғилса, дарров ўқитувчи билан маслаҳатлашиш, уни бартараф этиш айни муддао бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай ҳолларда ота-она ва ўқитувчи ҳамкорликда иш кўришлари керак, чунки барча ишларни бамаслаҳат амалга ошириш тарбиявий ишда самарали натижа беради. Бунинг учун ота-она мактаб талабини, мактаб ўқитувчиси эса боланинг турмуш шароитини, ота-онасини яхши билиши, уни мактабгача тарбия даврида олган малака, билим ва одатларига суяниб туриб иш кўришлари лозим, ана шунда болаларимизнинг таълим-тарбиясида ижобий натижаларга эришишимиз муқаррардир.

С. ҒОЗИЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

Тарбия ҳақидаги ўйлардан

(В. А. Сухомлинскийдан)

☆ Асл инсонни тарбиялаш унинг онгли иродасини тарбиялаш демакдир.

☆ Оилавий турмуш, бола тарбияси жуда мураккаб, нозик иш. Ота ҳам, она ҳам бу бахт булоғини бойитган, ҳисса қўшган тақдирдагина оилавий турмуш қувончи, лаззати жамол кўрсатади.

☆ Янги дунёнинг олижаноб, ҳалол ва идрокли қурувчисини вояга етказиш — энг муҳим ижтимоий бурчимиз, ҳар бир кишининг шарафли ишидир.

☆ Янги дунёнинг ёш қурувчиси ўз юртининг оташин ватанпарвари, коммунизм ишига тамоман содиқ, меҳнатга қизғин ихлос қўйилган киши бўлмоғи лозим. У софдил, рўстгўй, одамохун бўлиши, текинхўрлик, қаллоблик сингари ҳар қандай иллатларга муросасиз бўлмоғи лозим.

☆ Ҳаётда ҳар бир кишининг шинам квартира, чиройли кийим, мўл-кўл озиқ-овқатдан кўра ниҳоятда азизроқ, олийроқ нарсаси бўлиши керак. Мол-мулк орттириш, буюмларга сажда қилиш сингари тубан ҳирслар заҳрини кеса оладиган малҳам — олий мақсад йўлида яшашдир.

☆ Боланинг туйғусини тушуниш — унинг энг нозик, гоҳо яширин, бир қарашда илғаб бўлмайдиган ниятларини, унинг хатти-ҳаракати сабабларини, омилларини тушуниш демакдир.

☆ Ҳар бир катта ёшдаги киши ҳалол, олижаноб ишлар қилгандагина боланинг қалбига унинг насиҳати сингишини, фикр-туйғуларини қамраб олишини эсда тутиши керак. Ахлоқ — ҳаракатсиз бўлмайди. Болаларга ўрнак бўлиш — аввало, уларни яхши ишларга, ҳаракатга одатлантириш демакдир.

☆ Ахлоқий ҳис-туйғуларини чуқурлаштириш, барқарор қилиш ўқитувчининг вазифасидир.

☆ Агар инсон болалигидан бошлаб дўстлик, маънавий софлик, оқ кўнгиллик, ростгўйлик билангина ҳаётда чинакам лаззат бўлишига чуқур ишонса, у қалб гўзаллиги учун, умумхалқ бахти учун чинакам курашчи бўлиб етишади.

☆ Ҳар бир бола инсондаги юксак гўзалликни пайқай олсин, уни авайласин, ардоқласин, уни ўзининг яхши ишлари билан кўпайтирсин. Бизнинг вазифамиз шунга эришишдир.

☆ Биз ҳар бир кишининг кўнглида қандайдир орзу уйғотишимиз керак. Токи бу орзу инсон учун йўлчи юлдуз, унинг йўлидаги маёқ бўлсин.

БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ. Ўқувчилар ёзги каникулни мазмунли ўтказиб, жонажон мактабларига севинч-қувонч, катта куч-ғайрат билан келдилар. Бугун Октябрь районидаги 4-мактабда ҳам ўқитувчилар ўз ўқувчиларини шодиёналик билан кутиб олишди.

СУРАТДА: бошланғич синф ўқитувчиси Маҳфуза Ҳасанованн 4-синф ўқувчилари янги ўқув йили билан табриклашмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

• Одоб—инсон зийнати

Ҳамма ҳавас қилсин

Ота-боболаримиз: «Оғзингдан чиққан сўзни қулоғинг эшитсин», — деб жуда тўғри сўзлаганлар. Нима тўғрисида сўзлашни истасанг, аввал яхши тушуниб, ўйлаб кейин сўзла. Тил—қиличдан ўткир, қиличдан етган яра тузалади, аммо тил яраси тузалмайди. Шунинг учун тилни ярамас сўзларни сўзлашдан сақлаш керак.

Болалар, бировни сўкишдан, уришдан ўзингизни сақланг. Уриб ёки аччиқ-аччиқ сўзлар айтиб бировга зарба бериш, унинг кўнглини оғритиш энг ёмон ишдир, буни яхши тушунинг. Одобли, тарбияли бўлинг. Шунда ҳар ким сизларни севади, ҳурматлайди.

Ҳикоя: — Каримжонни мактабда ҳар ким севарди. Чунки у ақлли, одобли, тарбияли ва тиришқоқ бола эди. Мактаб ўқитувчилари ялқов ва келишмаган ишлар билан машғул бўлган болаларга: «Каримжонга ўхшаш одобли, тарбияли бўлинглар, ундан ибрат олинглар», — деб насиҳат қилардилар.

Каримжон эзма эмас, оз сўзларди, бошқалар сўзлаганда, сўзлари тамом бўлгунча тинглаб, орага сўз қотиштирмасди. Бир ерда икки киши сўзлаб турганда, ёнларига бориб, уларнинг сўзларига қулоқ солиб турмасди. Ўзидан катта ёшли одамлар ёнида одоб сақлаб, уларнинг сўзларига қотишмай, жим ўтирарди. Мабодо ундан бир нарсани сўрасалар, мулойимлик билан яхши жавоб берарди.

Овқатланган вақтида ҳамма ёққа тўкиб, дастурхонни ифлос қилишдан, оғзини тўлатиб овқат ейишдан, бошқаларнинг овқат ейишларига қараб туришдан жуда ҳам эҳтиёт қиларди.

Болалар, ҳар бирингиз Каримжон каби одобли, тарбияли бўлишга ғайрат қилинг.

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

Оила даврасида суҳбатлар

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Туя ва тулки

Нодон туя билан ҳийлакор тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду-паймон қилишибди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер энди унга ташланмоқчи бўлиб турган экан, тулки ёлворибди:

— Эй, ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик, озғин нотавон маҳлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб еяман.

Шер бир ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг нодон туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

ҲИССА: Дўст танлашда шошмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулки воқеаси тушмасин.

Мўътадиллик ҳақида

Бир буғи шамоллаб қолибди. Ҳар тарафдан ҳолидан хабар олгани дўстлари тўп-тўп бўлиб келишиб, атрофдаги ўт-ўланларни еб кетишибди. Унинг уйидаги барча озуқа тугаб касал буғи саҳро мурувватн — ўт-ўландан бебаҳра қолибди. Бир қанча муддат ўтгач, у шифо топибди, лекин очлик уни қийнай бошлабди ниҳоят кувватсизланиб оламдан ўтибди.

ҲИССА: Одам ҳамиша дўстининг фойдасини кўзлаган ҳолда иш тутиши керак, ҳамиша мўътадилликка риоя қилиш керак.

Фалокат ўти

Бир фақир деҳқоннинг бир парча ери бор эди. Бечора деҳқон ерга нима экмасин, тулкилар келиб пайҳон қилиб кетарди. У тулкилардан интиқом олмоқчи бўлди. Бир куни тузоқ қўйиб, бир тулкини қўлга туширди. Унинг думига ёғ қўйиб, ёндириб қўйиб юборди. Деҳқон катта хатога йўл қўйганини шунда тушунди. Чунки думи ёнаётган тулки буғдойзорга қараб югурди, олтиндек буғдойзор бир зумда ўт олиб кетди, ҳаммаси ёниб кўкка совурилди. Деҳқон қаттиқ азият чекди, лекин оқиб ўтган сув орқага қайтмаслигини у билди.

ҲИССА: — Душманингга душманлик қилсанг, фалокат ўти аланга олур, лекин қаловини топиб муомала қилсанг оловга сув сепиб ўчирган бўласан.

Ҳабибулла **КАРОМАТОВ**
тайёрлаган.

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи: — Болалар, тўрт оёқлилардан қайсилари одамга яқин дўст бўлади?

— **Ўқувчи:** — Стол билан каравот.

* * *

— Толиб, сизларга янги ўқитувчи кирдими?

— Ҳа.

— Қалай?

— Мана бундай! Карра жадвалини сувдай биларкан.

А. НУРПЕИСОВ

САРГАРДОНЛИК

РОМАНДАН ПАРЧА

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонларида).

— Агар мен билан шу тўғрида гаплашгани келган бўлсангиз... — Келин тутилиб, бир зум ўйланиб қолди.— Сиздан сиримни яширмайман...

Кампир ҳайрон бўлиб, келинига қараб қолди.

— Мен... Сизларнинг бир қариндошларингизни ўйлаб юрувдим... Аммо, у уй-жойлик одам. Бола-чақаси бор...

Кампир қовоғини уйди. У ўша заҳоти иккинчи хотин бўлиб кочиб кетган қизи Оқболани эслади.

— Чироғим, сен бу гапни ёш, ғўрлигингдан гапиряпсан! — бошини сарак-сарак қилди кампир. — Ўзингни ўзинг ўтга ташлаб нима қиласан, а? Битта эркакка хотин бўлган икки аёл, бамисоли битта катакка қамалган икки итнинг ўзгинаси-ку! Кундошларнинг куни қурсин, кунига қирқ марта бирбирларини ғажишгани ғажишган. Орқа этагингга оғирлиги тушадиган боланг бўлмаса, ўзинг хон, кўланканг майдон бўлса, бундан ортиқ яна нима керак сенга? Ўзингга ўхшаган битта-яримта сўққа бош эркак топилиб қолар. Овулимизда ёлғиз эркак зоти қуриб кетмагандир-ку. Ўзингни ўйла, бўтам, мен сени бахтли бўлгин дейман!

Кампир жўнаб кетди.

Уйда Суев чол қоронғи уйда ўша-ўша ёлғиз ўтирарди. Кампир чироқни ёқиб, Хошимни ётқизишга тутинди. Чол кампирига, унинг узундан-узун соясига қараб, қимир этмай ўтираверди. Аммо кампир чолнинг олиб келган хабарини муштоқлик билан эшитишга ошиқаётганини сезиб турарди.

— Мана, ҳаммасини билиб ҳам келдим... — деди кампир чолнинг юзига қарамай.

— Билим келдим? Нимани билиб келдинг?

—Овулимиздаги эркаклардан биронтасига ҳам кўнгли йўқ экан, билдингми!

Суев энсаси қотиб, ихраб қўйди.

—Кўнгли йўқмиш... — деб тўнғиллади у. —Хе-хе... Кўнгли йўқмиш! Ҳали кўрамиз, кўнгли бор, йўқлигини...

Кампир бу ёшгина беванинг тақдири, ҳаёти чолнинг қўлида эканлигини яхши биларди. Ҳали, бу ўжар чоли қурмағур келинига нимани раво кўраркин? Кампир чолим яна бирон нарса деб қолмасмикан, деб яна бирпас кутди. Аммо Суев қайтиб чурқ этмади, носвойини хидлаб, вақт-вақти билан энсаси қотиб, ихраб ўтираверди. Буни кўриб, кампирнинг жаҳли чиқиб кетди.

Кампир Оқболанинг ўғил туққанини эшитганига беш кун бўлди. Аммо у бу гапни чолидан яшириб юрган эди. Суевнинг кечасию кундузи қизини ўйлаб, жизғанаги чиқиб юрганини ҳам биларди, шунинг учун ҳам у бу хабарни иложи борича орқага суриб келарди. Аммо шу пайт кампирнинг бирдан чолидан қасос олгиси келиб кетди. Мийиғида кулиб, эҳтиётдан чолидан сал нарироққа кетди-да, ачитиб гапирди:

— Суюнчи бер, азизим... Қизинг яна ўғил кўрибди!

Суев кўзлари қилт этмай, кампирига тикилиб қолди.

—Ҳа, намунча менга тикилиб қолдинг? — деб бақирди кампир. — Сенинг қизингга туғиш — битта тупуришдек гап! Ишонмасанг, бор, қўшнилардан сўра! Неварангнинг исми нима, биласизми? Қудайберген, шунақа! Хўш энди нима дейсан?

— Э! — Суев чол секин четга қаради.— Сен ачиган кампир нима деяпсан ўзи?

Суев чол деворга қараганича бир нафас жим қолди. Кейин афт-башараси асабий тортишиб, бармоқларига титроқ турди.

— Демак, исмини Қудайберген қўйишибди, дегин? Ўша итвачча Қудайберген бўлиптими? Отаси — Тангриберген! Ҳалиги... бошқалари Алдаберген... Жасанжонберген... Қудайменде...— Чол ёқасини юлқий бошлади. Уни нафаси қиса бошлаган эди. — Ҳой, бу қанақаси бўлди, а? Бу нима? Бундан чиқди, Абрали уруғининг болаларини худо берар экан-да? Парвардигори олам... Олло... яратувчи берар экан-да? Хўш, бизнинг болаларимизни ким берган? А? Сендан сўраяпман, ким берган?

Кампир ташқарига чиқиб кетди. Суев ирғиб туриб, Хошимнинг тепасига борди. Нафас олишига қулоқ солди. Қорнинг ғичирлашидан кампири молхона тарафга кетганини билиб, боланинг тепасига энгашди. Бувасининг соколи ва қип-қизил кўзларидан қўрққан Хошим йиғлаб юборди. Чол чинқириб йиғлашига парво қилмай, неварасини қўлига олди-да, бағрига қаттиқ босди. Шу он, шу дақиқада ундаги индамай ўтира-ўтира ичида тўлиб кетган алам, ҳақорат, ожизлик туйғулари бирдан қалқиб ташига отилди. Чолнинг йиғитдан аъзойи-бадани қалтираб кетди.

— Шўрпешона болам... Етимчагинам... — деб ғўлдирарди у кўз ёшларини сидириб, уйқуда ётган, ожиз болани ҳидларкан.

Эртасига Суев чолникига Есбўл оғайниси келди. Есбўл қария бу ўлкада энг кекса, энг ҳурматли чоллардан эди. Шунинг учун ҳам Суев чол унинг ҳурматини қилиб, аёз совукка ўзи чиқди уни кутиб олишга. Суев азиз меҳмони билан ташқаридаёқ қучоқлашиб кўришди, кўпдан бери тунд бўлиб юрган чеҳраси бир оз ёришгандек бўлди. Есболни уйга бошлаб, унинг ечинишига ёрдамлашиб, тўрга олиб ўтказаркан, кўзлари ёшланиб, пирпиради, бурни ачишиб кетди. У дўстининг кетганига шундай хурсанд бўлиб кетган эди.

— Кампир, — дея кичқирди у қувноқлик билан. — Бўла қол, қозонингга ўт қалаб юбор!

— Э, азизим Суев, ортиқча ташвишланиб нима қиласан? Менга ўхшаб қариб-чуриб юрсанг биласан, киши кексайиб қолганида уй эгасининг буғдой ошидан кўра, буғдой сўзи азизроқ бўлиб қолар экан... Хурсандман, хурсандман.

— Хурсандчилик нинг ўзи билан қорин тўймайди. оға... Ҳой кампир, қимирлай қолсангчи!

— Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ, ортиқча ташвишланишнинг нима ҳожати бор.

— Йўқ, Есбол оға, бу масалада сўзингни олмайман. Ўз қозонимга ўзим хўжайинман...

— Э, сени гап билан мот қилиб бўлармиди... — деди Есбол ва ёшланиб турган кўзларини арта туриб, хихилаб қўйди. Меҳмонлик ва мезбонлик қоидаларига тўла риоя қилинганди.

Табиатан сахий Суев чол ўша заҳоти битта қўйни сўйиб, бир нимтасини қозонга солишни буюрди. Кампир молхонага қараб югуриб кетди, Суев ҳам хурсандлигидан ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Ўчоқда олов ўйнаб ёниб, қозондаги сув ҳаракатга кела бошлади, ҳамманинг кайфи чоғ эди.

—Овулингизда тинчомонликми, Есбол оға? — деб сўради қувноқлик билан Суев ва меҳмоннинг ёнига яқинроқ сурилиб ўтирди.

—Худога шукур... — Қишда сира ҳеч қаёққа юрмас эдингиз. Қандай зарур иш чиқиб қолдики, совуққа қарамай кўчага чиқибсиз?

— Топдинг, азизим, топдинг. Рост айтасан! Кейинги йилларда ҳатто қўшниларимникига ҳам ўтмайдиган бўлиб қолганман. Э, нимасини айтасан? Қари чинор ҳам қурий бошлади: шохлари синиб кетди. Қариб, куч-қувватдан қолдим, кўзларимдан нур кетди... Бошим ҳам сира касалдан чиқмай қолди.

— Э-э... Ҳозир менинг ҳам қариб, куч-қувватдан қолиб, доим кул устида ётадиган туядан фарқим қолмади. Ух-ҳў-ҳў! Куч-қувватим йўқ, куч-қувватим...

— Ундай дема, сен ҳали бақувватсан. Менинг йўриғим бошқа. Ҳали сен ёшсан, ҳали йигитсан... — Есбол яна хихилаб кулиб қўйди. —Ҳа, арғумоққа миниб, қўлингга қамчи олиб, хе-хе...

Шундан кейин қариялар бир нафас жим қолишди. Гулханга қараб ўтириб, иккаласи ҳам ўз хаёли билан банд бўлиб қолди. Ҳаремай, чой қайнайди. Кейин, қариялар пуфлаб-пуфлаб чой ҳўплашга тутинишди. Есбол бир неча марта ер тагидан Суевга қараб қўйди. У чолнинг кайфиятини билишни истарди.

Қария бу хонадонга муҳим иш билан келган эди. Отасининг қилмишидан тушкунликка тушган Оқбола ўзининг бир ишончли одамини Есбол қарияникига жўнатиб, ундан бориб отасига таъсир қилиб кўришни ўтинган эди... Биринчидан, Есбол Эломоннинг туғишган амакиси эди, Суев эса Эломонни яхши кўрар эди. Бундан ташқари, Есбол чўлдаги энг кекса одам бўлиб, Суев фақат шу қариянинггина гапини қайтаролмасди. Оқбола ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келди-да, сўнгги умидини ишга солди. Кекса Есбол Оқболанинг бу илтимосини ерда қолдиролмади-да, бир йўлга солиб кўрай деб, Суев чолникига қараб йўл олди...

Суевнинг хурсанд бўлиб ўтирганини кўриб, Есбол қария ичида шукрона ўқиб қўйди: «Худога шукур! Яхши вақти-соатда келибман. Омадим келадиганга ўхшайди!»

Чой ичиб бўлиб, ёнбошлашди, юзларидан терларини артишди. Кампир ўртадаги дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетди.

(Давоми бор).

Жаҳон ойнаси

«БИЗ СОВЕТ ИТТИФОҚИДАН МИННАТДОРМИЗ»

АНҚАРА. Туркия савдо министри Октай Гюнер бу ерда қуйидагиларни айтди: Биз Измир халқаро ярмаркасининг ишида қатнашганлиги учун Совет Иттифоқидан миннатдормиз. Бу ярмарка Совет — Туркия иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантириш учун ҳамиша жуда яхши восита бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

СССР билан Туркия Республикаси ўртасида, деди у, кўпдан буён кенг алоқалар ўрнатилган, ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар эса тенглик, ҳуқуқлилик ва бир-бирини ҳурмат қилиш асосида доимо ривожланмоқда.

УМУМҲИНДИСТОН РАДИОСИ 50 ЁШДА

ДЕҲЛИ. Бундан роса ярим аср илгари Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги энг йирик шаҳри — Калькуттада очилган янги радиостанция садоси эфирда жаранглаб эшитилган эди. Бу станциянинг асосан янгиликларни маълум қилишдан иборат қисқача эшиттиришлари бенгал тилидагина олиб борилар эди. Эшиттиришлар эса бир неча-кундузда атиги бир неча соат давом этар эди.

Орадан 50 йил ўтгач, ҳозирги кунда Ҳиндистон радиоэшиттиришини ривожлантириш соҳасида жаҳонда биринчи ўринларнинг бирини эгаллаб турибди. Ҳиндистон радиосининг эшиттиришлари Ҳиндистонда 24 тилда уюштирилмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда мамлакат аҳолисининг 90 проценти радио эшиттиришларини тинглаши мумкин.

Умумҳиндистон радиоэшиттиришларининг программаси мароқли ва хилма-хилдир. Ҳар соатда эшиттириладиган янгиликлар ички ва халқаро ҳаётдаги муҳим воқеалар тўғрисида ахборот бериб туради.

Радиопостановкалар ва музикали эшиттиришлар аҳолига жуда манзур бўлиб қолди. Қишлоқ районларининг аҳолиси учун махсус программалар тузиб чиқилмоқда. Ҳиндистонда жами 82 радиостанция ва 165 ретрансляция станцияси ишлаб турибди.

Ҳиндистонда радиоэшиттириш системасининг кенгайиши миллий радиотехника саноатини ривожлантириш билан чамбарчас боғланган. Бундан 30 йил муқаддам, Ҳиндистонда битта ҳам радиоприёмник ишлаб чиқарилмаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 25 миллиондан ҳам зиёддир. Радио ҳиндларнинг ҳаётига сингиб кетди.

ИРҚЧИЛАР ТИЛ БИРИКТИРИШДИ

ЛУАНДА. Преторияда Жанубий Африка ва Родезия ирқчиларининг бошлиқлари Форстер билан Смит учрашди. Бу учрашув Родезияда озчиликни ташкил этган оқ танлилар ҳукмронлигини сақлаб қолиш йўлидаги тадбирларни мувофиқлаштириб олиб бориш масаласига бағишланди.

Претория Смитнинг Солсбериддаги ғайри қонуний режимининг «мўътадил» африкаликлар билан тил бириктириши асосида «ички тартибга солиш» планини бир томонлама амалга ошириш борасидаги ниятларини тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди. «Родезия геральд» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Смитнинг Родезияда мустамлакачи ирқчилар режимини сақлаб қолишдан бевосита манфаатдор бўлган Жанубий Африкадаги маслакдошлари Жанубий Африка республикасининг пойтахтида ўтказилган учрашув вақтида унинг планларини маъқуллади лар.

ГФР жамоатчилигининг норозилиги

БОНН. Прогрессив сиёсий фикрдаги ўқитувчилар, юристлар ва хизматчиларнинг камситилаётганлиги ГФР-да норозилик ҳаракатини кучайтириб юборди.

Бу ерда немис тинчлик иттифоқи раҳбарлигининг баёноти эълон қилинди. Баёнотда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: ўқитувчи С. Гингольд ва инженер В. Кронени Германия Компартиясига мансуб бўлганликлари учун «сиёсий жиҳатдан ишончсиз» деб айблаган маъмурий суднинг ҳукмлари сиёсий эътиқод учун таъқиб этишни исбот этувчи энг яққол далилдир.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

«Шайтон дарахти»нинг хосияти

Ҳозирда ихтисослаштирилган «Доривор гиёҳхона»ларда мамлакатимизнинг турли районларидан келтирилган шифобахш ўсимликларнинг намуналари бор. Маълумки, ғўзал Уссури ўлкаси ўзининг табиат олами билан оламга машҳур. Кишига боқий умр, куч-қувват, бардамлик бағишлаб инсонни ёшартириш қобилиятига эга бўлган женьшен ўсимлиги шу ўлкадан маскан топган. Ўзининг таъсир кўлами билан шайтон дарахтининг илдизи у билан рақобат қила олади.

Манжурия аралияси деб номланувчи дарахтнинг бўйи уч қулочча келиб, кўринишидан хурмо дарахтини эслатади. Приморье ўлкасининг жозибали, кўркам ва фусункор аралия дарахти манзара кашф этувчи ўсимлик сифатида ҳам кенг кўламда ўстирилади. Аралияни «шайтон дарахти» деб аталишининг боиси бор: аралиязорлар ичига осонликча ғўша қура олмайсиз. У ўзининг йирик, қаттиқ ва ўткир ўсимталари билан сизни ушлаб қолади ёки бўлмаса кийим-кечагингизни йиртиб, уялтириб қўяди.

Табобатда аралия ўсимлигининг илдизлари ўзининг шифобахшлиги билан ном чиқарган. Чунончи, уни женьшеннинг ўрнини босувчи манба сифатида ҳоргинликда, ўта толиқишда, бедармонликда, жисмоний ва ақл чарчоғида, юракка далда берувчи сифатида тавсия этилади. Шу билан бирга, аралия препаратлари олий нерв системаси фаолиятини яхшилайди, неврастенияда ижобий натижасини намоён этади. Илмий манбалар шуни кўрсатадики, аралия кишиларда мавжуд бўлган қон босими камлигида тезда яхши натижа беради.

Аралия илдизпоясининг кимёвий таркиби бир қатор дори-дармон бўлувчи моддаларга бой. Айниқса, аралия маҳсулотида витаминлардан А. В, С. шопирувчи моддалар (сапонин), аглюкон асосли бирикмалар, амбар мойлари ва қатрон мавжуд.

«Доривор гиёҳхона»ларда харидга қўйилган манжурия аралиясининг илдизпоясидан қуйидагича хонаки дори тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 10 грамм аралия заминпоясидан олиб устига 100 грамм миқдорда арақ ёки 70 даражали спирт солиб, икки кун давомида димлаб қўйилади. Сўнгра шарбат турупдан мато орқали сузиб олинади. Муолажа учун кунига 30—40 томчидан 3 маҳал истеъмол этиш лозим кўрилади. Даволаш ёки мадорни ўнглаб олиш шифокорнинг тавсияномасига қараб икки ҳафтадан то бир ойгача бўлиши мумкин.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, аралиядан тайёрланган димлама беозор бўлса ҳам, гипертония ва тутқаноқ хасталиклари билан озорланган кишиларга тавсия этилмайди.

Гулимаржон

Наботот оламида турли-туман гуллар мавжуд. Уларнинг бири ўзининг хушбўй атри-уфориси билан, бошқаси жилоли жилваси, яна бири сумбат жозибаси билан кишиларни ром этади. Яна бир тоифа гуллар борки, улар ўзининг шифобахшлиги билан ном таратади. Ана шундай гуллардан бири гулимаржон —маржон дарахтининг шода-шода гулларидир.

Хосиятли ўсимликлар маскани ҳисобланувчи Ўзбекистонда маржон дарахти хушманзара ўсимлик сифатида истироҳат боғлари, кўча-кўй, хиёбонларга экилмоқда. Бўйи беш-олти қулочча келадиган мўъжазгина бу дарахт баргларининг кўриниши ўзгача, гўё дазмол андозаси сингари йирик, устки томони тўқ яшил. пастки томони заъфарон, оч яшил бўлиб, калта бандлар билан қўнган бўлади. Гуллари зарғоли ёки тиллоранг бўлиб, соябондай тўпгулни ташкил қилади.

Маржон дарахтининг ана шу гуллари ўсимлик қийғос гуллаган пайтларда йиғиб олиниб, ҳаво эркинлиги бўлган соя-салқин жойларда қуритилади. Ихтисослаштирилган дорихоналаримизда мавжуд бўлган бу маҳсулот табобатда бир қатор хасталикларга даво ҳисобланади. Маржонгул нафас йўли касалликлари ҳисобланувчи бронхит, бодомчаларнинг яллиғланишида, тумов, грипп ва зотилжамда яхши натижа беради. Бундан ташқари, маржон гуллари энг яхши, синалган терлатувчи ҳисобланади. Илмий манбаларда келтирилишича, ўсимликнинг бу маҳсулотлари асосида тайёрланган дамлама буйрак, пешоб йўли касалликлари ва невралгияда ҳам даво ҳисобланади.

Маржон дарахтининг гулларидан қуйидагича дамлама тайёрланади. Бир ош қошиқ миқдордаги қуритилган гуллардан олиб, бир пиёла қайноқ сув билан 20 минут давомида дамланади. Шарбат сузиб олингач (мабодо чойнакда дамланган бўлса сузишнинг ҳожати йўқ) терлатувчи омил сифатида иссиқлигича ичилади. Ташқи муолажа сифатида дамлама билан оғиз чайқалиши ва томоқ ғар-ғара этилиши мумкин. Бундан ташқари, маржон гулидан тайёрланган дамламадан қолган гуллар турупи иссиқ ҳолда халтачаларда оғриган жойга босилиб турса, азиятдан фориғ этади. Дорихоналарда мавжуд бўлган «Гулимаржон» («Цвети бузини») қутиларида содда тушунтирилган ёрлиқ бор.

Д. ХЎЖАЕВА,
ихтисослаштирилган «Доривор гиёҳхона» мудири.

М. НАБИЕВ,
доришунос, химия фанлари кандидати.

⊙ ЎЛКАМИЗ ФАСЛЛАРИ

ОЛТИН КУЗ

Тўкин дастурхонини ширин-шакар меваларга, ноз-неъматларга, мўл-кўл ҳосилга тўлдириб, табиатга олтин ранг бериб куз кириб келди.

Бугун кузимизнинг биринчи куни. Ўлкамизда куз ойлар сентябрь, октябрь, ноябрь ғоят файзли, завқли ва қувончли ўтади. Йил якунланишга яқинлашади. Бобо деҳқонларимиз она Ерда тер тўкиб етказган ҳосил баракасини эл дастурхонига тортиқ этади. Одамлар ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб, саҳий табиатга, деҳқонга, она-Ерга таҳсинолар айтишади.

Бу йилги кузнинг ўзига хос файзи-тароввати, шукуҳи бор. Бу йил Улуғ Ватанимиз ўзининг олтмиш йиллик байрамини нишонлайди. Азамат ўзбек деҳқони Ватан хирмонига беш миллион уч юз олтмиш минг тонна «оқ олтин» тўкиб, бу улуғ байрамни ёруғ юз, катта ифтихор билан кутиб олади.

Кузнинг дастлабки кунларидан бу йил олтин фасл яхши келаётгани сезилиб турибди. Ўзбек диёрида сентябрь ойи, одатда ёздан фарқ қилмайди. Синоптикларнинг хабар беришларича, бу ойда ёғингарчилик бўлмайди. Қуёш чарақлаб, кунлар иссиқ бўлаверади, кечалари ёқимли салқин тушади.

Сентябрнинг 23-кунидан бошлаб кун билан тун баравварлашади. Шу кундан бошлаб кун қисқариб, тун узая боради. Ой охирларига бориб баъзи дарахтларнинг барглари сарғая бошлайди, кўм-кўк осмонда булутлар карвони кўринадиган бўлиб қолади. Тоғларда эса текисликларга қараганда дарахтларнинг барги тез сарғайиб, булутлар кўпаяди, совуқ ҳам эрта тушади.

Кузнинг иккинчи ойи бошланиши билан ҳақиқий куз тушади. Кундузлари салқин, тунлари этни жунжиктадиган совуқ бўла бошлайди. Бу пайтда баъзи дарахтлар яланғоч бўлиб олади, оёқларингиз остида барглар шитирлайди, хазонрезги бошланади. Ҳаво баҳорга ўхшаб тез-тез ўзгариб, дам совуқ, дам илиқ бўлади, тўп-тўп булутлар шивалаб ёмғир ташлаб ўтади.

Ўлкамизда ёз нашъасини сурган, куз неъматларидан тотиган қушлар—лайлаклар, турналар, булбуллар, чуғурчуқлар, қарқиноқлар ва бошқа ўнлаб қушлар жануб томон учиб кетадилар. Худди шу пайтда, табиат тақозоси билан шимол томонлардан қиш қушлари—қарға, зағча, қора қарға каби қушлар ўлкамизга ташриф буюрадилар. Улар эрталаб ва кечқурунлари боғу-далаларда, хиёбон-боғчаларда қий-чув қилиб ҳаммаёқни бошга кўтарадилар.

Ойнинг охирига бориб кечалари бирдан қора совуқ тушади. Бу пайтда кузги ишлар ниҳоялаб қолади. Ҳашаротлар камайиб қишлагани келган қушлар далаларда «ризқ-насиба» излайдилар.

Бепоён далаларимизда «оқ олтин» терими давом этади, сабзавот ва мевалар йиғиб олинаверади, кузги дала ишлари қизғин боради.

Кузнинг учинчи ойи бошларидан ҳаво салқинлашиб, тез-тез ёмғирлар ёғиб ўтади, хўл қорлар ёғади. Баҳордан ишга киришган она Еримиз, дов-дарахтлар, жониворлар қиш уйқусига кира бошлайди.

Т. РАВШАНОВ.

ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ҚЎЛГА ТАҚАДИГАН ЭҲМ

Замонавий чўнтак калькуляторининг «юраги» ярим ўтказгич интеграл схемадан иборат бўлган, қалинлиги миллиметрнинг улушича ва сатҳи бир неча квадрат миллиметрли пластинкадир. Ҳажми портсигардек кутичанинг бутун қисми батарея билан рақамлар ёнадиган индикатор ва клавишли контактлар билан банд.

Агар бу ёрдамчи қурилмаларнинг ўлчами майдалаштирилса, чўнтак электрон ҳисоблаш машинасини анча кичрайтириш мумкин бўлади. Америкадаги «Тайм компьютер» фирмаси мана шу йўлни тутди. Фирма савдога катталиги оддий соатдан фарқ қилмайдиган калькулятор ва электрон соатни чиқарди. Одатда прибор индикатори вақтни кўрсатади. Ихчам клавишларни босиб қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлишдан иборат амалларни бажариши мумкин, натижаси эса индикаторда пайдо бўлади.



Пойтахтимиздаги шаҳарлараро телефон станциясида кўплаб уста механик ва инженерлар меҳнат қилишади. Станция ишлаб чиқариш лабораториясининг бош инженери Ҳожиакбар Қаландаров ана шундай моҳир қўлли инженерлардан ҳисобланади. У автомат телефон станцияси ишларига доимо кўз-қулоқ бўлиб туради. У рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари билан телефон алоқасини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: Ҳ. Қаландаров иш устида.

⊙ СИНОПТИК МАЪЛУМОТИ

СЕНТЯБРЬ ҲАВОСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

«Ҳар фаслнинг ўз хислати бор», дегандек, серқуёш республикамизда олтин куз йиғим-терим даври ҳисобланади. Хўш, куз фаслининг биринчи ойи— сентябрда об-ҳаво қандай бўлади?

Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот гидрометеорологик институтида сентябрь об-ҳавосини олдиндан айтиш бўйича тайёрланган бюллетенда қуйидагилар хабар қилинади:

— Тошкент шаҳри ва областида ҳавонинг ойлик ўртача ҳарорати меъёрида, баъзи жойларда ундан юқори бўлади. Ой давомида ҳарорат кўпинча кечалари 10—15 даража, кундуз кунлари 30—35 даража иссиқ бўлади.

Биринчи декаданинг айрим кунларида ҳарорат қисқа муддатга пасайиши мумкин. Бу даврда кечалари 8—13 даража, кундуз кунлари 20—25 даража атрофида иссиқ бўлади. Ой охирида ҳам ҳаво бир оз салқин бўлиб, кечалари 5—10 даража, кундуз кунлари 20—25 даража атрофида иссиқ бўлади. Ой охирида ҳаво бир оз салқин бўлиб, кечалари 5—10 даража, кундуз кунлари 20—25 даража иссиқ бўлади.

Ой давомида деярли ёғин-сочин кутилмайди. Бу эса меъёрида, айрим жойларда ундан сал камроқ бўлади.

Т. МУХТОРОВ,
синоптик.

⊙ БИЛАСИЗМИ?

ОЙ ТАЪРИФИ

Сентябрь — «семтембер» сўзидан олинган бўлиб, еттинчи деган маънони англатади. Ахир, сентябрь йилнинг еттинчи эмас, балки тўққизинчи ой-ку, нега бу номнинг исми «жисми»га монанд эмас, деган савол туғилиши табиий.

Гап шундаки, эрадан аввалги 46-йили Цезарь йил бошланишини 1 мартдан 1 январга кўчиргач, сентябрь йилнинг тўққизинчи ойи бўлиб қолди-ю, аммо номи ўзгармади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Пойтахтимизда оммавий спорт ўйинларига болалар ҳаммадан кўпроқ жалб этилган. Улар айниқса футболга кўпроқ қизиқадилар. Сиз кўриб турган ушбу суратда ёш футболчиларнинг ўйинга тайёргарлиги акс этган.

Р. Альбеков фотоэтюди.

Қаҳрамон хотирасига бағишлаб

Шаҳарнинг «Спартак» стадионида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нарзи Ражабов хотирасига бағишланган соврин учун самбо кураши бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнирининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Бу совринни Бухоро область ижроия комитети таъсис этган эди.

Учинчи маротаба ўтказилаётган бу анъанавий мусобақаларда Москва, Владивосток, Саратов, Ашхобод, Тбилиси, Чоржўй, Душанбе, Тошкент, Самарқанд ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган 245 самбочи иштирок этди.

Вазн категорияси тартиби бўйича турнирда: Б. Рўзиев (Бухоро), А. Лян (Самарқанд), У. Шаропов (Бухоро), С. Сафонов (Тошкент), С. Аксенов (Владивосток), Г. Каплан, В. Аникин (иккаласи Тошкентдан), Ч. Шарипов (Бухоро), тошкентликлардан В. Бектошев, В. Мордацовлар ғолиб чиқишди.

Мусобақа давомида 22 самбочи СССР спорт мастери нормативини бажарди. Улардан 8 киши Бухоро спорт жамиятларининг вакилларидир.

ТУРНИР ҒОЛИБИ

Югославиялик гроссмейстер Светозар Глигорич Испаниянинг Монтилья шаҳрида ўтказилган еттинчи халқаро шахмат турнирида ғолиб чиқди. Глигорич тўққиз имкониятдан 7 очко тўплади. Бештадан очкога эга бўлган совет гроссмейстери Марк Тейманов билан америкалик Роберт Бирн тўртинчи ҳамда бешинчи ўринларни бўлиб олишди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1|IX да **Борис Годунов**, 2|IX да **Чио-Чио-Сан**, 3|IX да **Санъат усталари концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1|IX да **Парвона**, 2|IX да **Келинлар қўзғолони**, 3|IX да **Кўрмайин босдим тиконни.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва цирки артистларининг гастроллари, «Сувда цирк» аттракциони.**

КИНО

1 СЕНТЯБРЬ

САНЪАТ САРОЙИ — **Қирол Нью-Йоркда** (катта зал, кечқурун). **Аёл ва иблис** (кичик зал, кечқурун).

Ҳаво шарида фантастик саёҳат — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Сафар — БИЛИМЛАР УЙИ, «МОСКВА» (кечқурун).

Оилавий мелодрама —«ИСКРА» (20.30).

2 СЕНТЯБРДА

Сиз менга ёзардингиз — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаво шарида фантастик саёҳат — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Оқ полосадаги безгак — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сафар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Тошкент маданий-оқартув техникуми томонидан **Ҳамидов Чўянд Турдиевич** номига берилган 653468 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

С. М. Киров номли Ленин орденли Давлат академик опера ва балет театрининг солисти, СССРда хизмат кўрсатган артист Валентина ГАННИБАЛОВА **ва Ленинград Давлат академик опера ва балет Малий театрининг солисти Василий ОСТРОВНИНГ**

ГАСТРОЛЛАРИ

4 сентябрда
А. АДАН
«ЖИЗЕЛЬ»

6 сентябрда
П. ЧАЙКОВСКИЙ
«ОҚҚУШ КЎЛИ»

Спектакллар соат 19.00 да бошланади.

Билетлар театр кассасида соат 11.00 дан сотилади.

33-90-81 ТЕЛЕФОНИ БЎЙИЧА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

ЎРТА ОСИЁ ЛОЙИҲА-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ

ускуналар монтажи бўйича алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 14 сентябрда бошланади.

Ўқиш даврида курсантларга ҳар ойда 57 сўмдан стипендия берилади ва улар ётоқхона билан таъминланадилар.

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигитлар ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри—107, Қирғиз кўчаси, 21-уй (14, 33, 34, 54-автобуслар, 7, 9, 16-троллейбусларнинг «Волгоградская» кўчаси, бекати). Телефонлар: 77-76-46; 77-64-49.

ДОИМИЙ ИШГА

вентиляция ва кондиционлаштириш бўйича инженер, муқовачилар, приёмщицалар, токарлар, слесарлар, слесарь-сантехниклар, газлаштирилган қозонхона оператори, электр-газ пайвандчи, юкчи, кир ювувчилар, фаррошлар, бухгалтер, диспетчер, омбор мудири

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 СЕНТЯБРЬ—ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Орбита—3» программаси.

18.00 «Фан оламида». 18.30 «Ердаги маршрут» ҳужжатли фильм. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Халқаро болалар фестивали ҳақида кўрсатув. 20.15 «Конституция лойиҳаси ҳақида суҳбатлар. 20.45 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Киш ва Двапортфеля». Бадиий фильм. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Оперетта артистларининг концерти. 23.15 «Александр Метревелининг биринчи ракетаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Биринчи қўнғироқ». 19.00 «СССР Конституцияси тўғрисида суҳбатлар». 19.15 «Совет турмуш тарзи». «Энг китобхон мамлакат». «Октябрь ва китоб» байрамига бағишланган кўрсатув (рус.). 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.00 «Пионер концерти». Тошкент шаҳар «Ёш гвардия» дружинасининг пионерлари ва Марғилон шойи комбинатининг «Дўстлик» ансамбли ижро этади. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қизлархон Дўстмуҳамедова ва Абдулла Бозоров концерти. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Оқ олтин» карвон, карвон». 22.45 «Душанбагача омон бўлсак». Бадиий фильм. 00.25 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Ўтмиш садолари». Бадиий фильм. 20.35 Тошкент янгиликлари. 20.55 «Пойтахт области далаларида».

2 СЕНТЯБРЬ—ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Орбита—3» программаси.

18.00 «Москва ва москвaliклар». 18.30 «Халқ куйлари» концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.30 «Бугунги Вьетнам». Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами муносабати билан. 20.25 «Яшил далалар бўйлаб». Фильм-концерт премьераси. 20.55 «Бизнинг биография. 1967 йил». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Голубой огонек» саҳифаларида. 23.50 «Олтин чамбарак». Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Киевдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Биология. «Биология нималарни ўргатади» (рус.). 12.00 «Гулни асранг». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 Биология. «Биология нималарни ўргатади». 13.00 «Душанбагача омон бўлсак». Бадиий фильм. 14.40 До-ре-ми-фасоль». Болалар учун мусиқали ўқув кўрсатуви (такрорий).

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.55 Вьетнам халқининг байрами. 19.10 «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар». 19.20 «Туркистонлик комиссар». Ҳужжатли фильм премьераси (рус.). 19.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.00 Бухоро область Ғиждувон район «Гулистон» колхози ҳаваскор мақомчилар ансамбли ижро этади. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Молдавия телевидениесининг программаси. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Молдавия телевидениесининг программаси (давоми). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Моабит дафтари». Бадиий фильм. 20.35 Тошкент янгиликлари. 20.55 Ўқитувчилар учун консультация. 21.25 «Алвидо» қурол!». Телеспектакль. 2-қисм (рус.).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3, 4 СЕНТЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.30 ДА

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛГАН **«САНЪАТ БАЙРАМИ»** ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Шариф СУЛТОНОВ, Муътабар ЙЎЛДОШЕВА, Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА, солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Шерали ЖЎРАЕВ, Фотима БАРАТОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Нодира АҲМЕДОВА, Абдуфаттоҳ САИДОВ (интермедия ва юмор), Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанр).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб борадилар.

Филармониянинг бадиий раҳбари— Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, шанба ва якшанба кунлари эрталаб соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан

3—4 сентябрда

«ТАБАССУМ» РЕДАКЦИЯСИ ИЖОДКОРЛАРИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

IV АНЪАНАВИЙ ТАБАССУМ САЙИЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТАБАССУМ УЛАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Омина ФАЁЗОВА, Ғани АЪЗАМОВ, Амин ТУРДИЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Риҳси ИБРОҲИМОВА, Обид ЮНУСОВ, Бахтиёр ИХТИЁРОВ, Турғун ХОНТЎРАЕВ, Суръат ПЎЛАТОВ, Ширин АЗИЗОВА;

Ленин комсомоли мукофоти лауреати Хайрулла САЪДИЕВ.

Ҳажвияларда: **Зайнобиддин ва Мадаминжон Юсуповлар, Одилжон Оҳунжонов, Абулқосим Тўйчиев, Абдураим полвон Норқулов, Воҳид Қодиров, Ҳусан Шарипов, Абдураҳмон Аҳмедов, Собир Раҳимжонов, Фазлиддин Фаёзов, Ортиқ Юсупов, Диёз Раҳматов, Хайитали Низомиддинов, Тамара Маҳкамова.**

Қўшиқ ва рақсларда республикада хизмат кўрсатган артистлар: Малоҳат ДАДАБОЕВА, Клара ЖАЛИЛОВА;

Артистлар: **Хайрулла Лутфуллаев, Бахтиёр Йўлдошев, Ҳожиакбар Ҳамидов, Одилжон Эминов, Эркинжон Давлатов, Гулнора Хўжаева, Ҳавохон Азизова, Анвар Тилланазаров, Жўрахон Раҳимов, ака-ука Ваҳобовлар ва бошқалар.**

ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ ҚОШИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

КУЛИШАЙЛИК ДЎСТЛАР БУ МАВСУМ,
МЕҲМОНИНГИЗ БУ КУН ТАБАССУМ.

Сайил кеч соат 7 да бошланади.

ТАБАССУМ САЙИЛИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

1 СЕНТЯБРЬ, 1977 й.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ.

Р — 13415. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр Г—3136.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.